



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 3-may, chorshanba

* № 18 (1029)

* 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan

* Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

* www.hurriyat.uz

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

Суратга тикилиб, хаёл сураман. Ҳеч нарса кўнгилга сиғмайди. Ўша машъум дахшатли тунда улардан қайси бирининг умри гулдек хазон бўлди экан?!

Балки ушбу суратдагилардан кимлардир ҳаётдир, эҳтимол, уларни таниган-билганлар бордир?!

⇒ 3-бет

“WHITE CASTLE” ҲИЙЛАСИ

ёхуд тансиқ таом ҳақида чўпчак

Ҳақиқатан, навнихоллар улғайиб, комил инсон бўлиб вояга етиши учун уларнинг нафақат руҳи, балки жисму жони ҳам соғлом бўлиши даркор. Бунда эса улар тановул қилаётган таомларнинг сифати муҳимдир.

⇒ 5-бет

МИЛЛАТ ДАРДУ ҚУВОНЧИНИНГ КЎЗГУСИ

Ўзим адабиётнинг бир шайдоси, қолаверса, адабиётшунос сифатида бадиий адабиёт халқ учун яратилиши керак, деган қатъий фикрдаман. Чунки у сўз санъати, сўз эса кимгадир мурожаат қилиш, дарду ҳасратини, қувончу ташвишини ўртоқлашиш воситасидир.

⇒ 6-7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

26 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлут Чавушўғлуни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 апрель куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган АҚШ Куролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони, генерал Жозеф Леонард Вотелни қабул қилди.

27 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Жиззах вилоятида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 29 апрелда Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Ўзган туманида содир бўлган табиий офат натижасида инсонларнинг ҳалок бўлгани муносабати билан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаевга чуқур ҳамдардлик билдирди.

29 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жанубий Қозоғистон вилоятига ташриф буюрди ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан амалий учрашув ўтказди.

1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.



“Ўзбекистон ҳаво йўллари” яиллий янаа ҳаётимиздаги асосий ларига ҳам йўлдошларини топган ҳаётимиз.



Суратда: Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Иноят ота Содиқов, Е.Шамилбеков, Ҳ.Ҳ.Ҳ.Ҳ.

КАҲРАМОНЛИК, БУРЧ ВА ФИДОЙИЛИК

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Иноят ота Содиқов 92 ёшда. У “GM Uzbekistan” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган замонавий автомобилни навбатсиз сотиб олиш ва унга бепул техник хизмат кўрсатиш учун имтиёзли сертификатдан фойдаланди. «Роҳат» автосалонидан «Damas» автомобилсини сотиб олиб, ўзи ҳайдаб чиқди.

— Фарзандларим билан анчадан бери «Damas» олишимиз керак, дея ўйлаб юрардик, — дейди отахон. — Президентимизнинг уруш ва меҳнат фаришларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб чиқарган фармонида биноан машинани навбатсиз сотиб олдик. Бор-йўғи бир ярим соатда ҳамма ҳужжатларни расмийлаштириб, машинанинг қалити қўлимга топширилди. Юртимиз тинч, ҳур замон абадий бўлиб, Президентимизнинг умрлари зиёда бўлсин.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори уруш фаришларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни муносиб ижтимоий муҳофиза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги тизимли ишлар қўламини янада кенгайтирди.

2

ФАҲРИЙЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИ

Самарқанд вилоятида истиқомат қилаётган уруш фаришларига Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галабининг 72 йиллиги муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг табриги ва пул мукофоти тантанали топширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 4

апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ юртимизда уруш қатнашчилари ва меҳнат фаришларига

алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига 2 миллион сўмдан бир марталик пул мукофоти, юртимизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларни навбатсиз харид қилиш имконияти берилди. Уларни уй-жой билан таъ-

минлаш, хонадонларида зарур шароитлар яратиш, таъмирлашга ҳам давлатимиз томонидан ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, бу йил Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига Президентимиз ўз табригини йўллади.

ЖУРНАЛИСТ СЎЗИ — ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА

2017 йил биринчи чорагида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган таҳлилий-танқидий материаллар ҳақида



Жорий йилнинг биринчи чорагида матбуот саҳифаларида чоп этилган, Интернет тармоқларида, теле ва радиоканалларда эълон қилинган материаллар билан танишар эканмиз, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги муҳим воқеа ва ўзгаришлар билан уйғун ва ҳамоҳанг тарзда фаолият олиб боришга ҳаракат қилаётганига амин бўламиз.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўяётгани журналистларнинг сўзи, ҳаётга, мавзуга ёндашуви, улар тайёрлаётган материалларнинг маъно-мазмун, ижтимоий-сиёсий савияси, шакли ва таҳлил усулларида ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бу боралда айниқса 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда унинг ажралмас қисми бўлган “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури, ана шу ўта муҳим ҳужжатларда белги-

лаб берилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини юксалтириш мақсадида Президентимиз томонидан қабул қилинаётган фармон, қарор ва фармойишларнинг ҳар бири бутун жамиятимиз қатори оммавий ахборот воситаларини ҳам бутунли янги тарихий шароитда улкан куч-ғайрат ва сафарбарлик билан ишлашга даъват этмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Мониторинг гуруҳи томонидан жорий йилнинг уч ойи давомида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мате-

риаллар бўйича ўтказилган таҳлиллар ана шу талабни журналистлар ҳар томонлама чуқур англаб, шу асосда фаолият юритишга интилаётганини кўрсатмоқда.

Мониторинг гуруҳи Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг мақсад ва вазифаларидан, Президентимизнинг марказ ва жойларда турли соҳа вакиллари, бутун халқимиз билан ўтказилган очик мулоқот ва учрашувларда билдирилган фикр ва фикрларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу таҳлилий материални тайёрлашда инсон манфаатлари билан боғлиқ мавзуларга онд мақола, кўрсатув ва эшиттиришларни алоҳида, умумлаштириб ўрганган ва тегишли хулосалар чиқарган.

Бу йўналишда нафақат марказий оммавий ахборот воситалари, айна вақтда жойларда, энг қуйи бўғинда халқнинг қувончу ва ташвишларига яқин бўлиб, ҳаётнинг ичига кириб фаолият кўрсатаётган матбуот нашрларида эълон қилинаётган материаллар атрофлича

таҳлил қилинган эътиборлидир.


Бу ҳақда гапирганда, кейинги пайтда фаоллашиб бораётган туман газеталари орасида ўз ўрнига эга бўлган Самарқанд вилоятининг Нарпай тумани ҳокимлиги муассислигида чоп этиладиган “Пахтакор овози” газетасининг 21 февраль сониде эълон қилинган “Бозор бедарвоза эмас-ку!..” сарлавҳали мақоласи ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Унда тумандаги “Мирбозор бозори” масъулияти чекланган жамияти ҳудудида санитария қоидалари кўпол равишда бузилаётгани далил ва таҳлиллар асосида танқид қилинган. “Бозор гавжум, — дейилади мақолада, — одамларнинг, шунингдек, маҳсулотларини ерга қўйиб сотаётганларнинг кўпчилигини оёқ босишга қийналасиз. Кўриниб турибдики, расталар ҳаммага ҳам етмайди. Буниси ҳолва, йўлақлар ёнгарчиликдан сўнғой ҳамда қўлмакка айланган”.

4

Дунёни мафтун этган САМАРҚАНД

ТААССУРОТ

Самарқанд — дунё гўзалликларини ўзида жо қилган қадимий маскан. Мустақиллик йилларида бу сеҳрли диёрда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган “Шарқ тароналари” фестивалида дунёнинг не-не мамлакатларидан хонандалар келиб, ўз тилларида куй-қўшиқлар куйлайди. Самарқанд боғлари хушовоз бўллар овозига тўлади.



Шундай соҳир лаҳзаларнинг бирида ҳаяжондан гулуриб турганимизда, аянам ҳаяжонлироқ бир воқеа рўй берди: фестивалга меҳмон сифатида тақлиф этилган “Италиянинг олтин овози” деб ном олган машҳур хонанда Ал Бано Корриси дунёга машҳур “Феличита” (Бахт) номли қўшиғини куйлаб, кўнгилларни забт этиб турган фараҳбахш дамлар эди. Регистромиз нуридан турган чоғда томошабинлар тинмай қарсақ чаларди. Улар ширани ва мардона овоз билан кўнгилларни забт этган Коррисини ва унга дуэтлошқил қилган ўзбек қизини олқишларди. Шу ҳаяжонли дамда Биринчи Президентимиз халқимизнинг продасини ифодаллади. Бургут юракли бўлбул — Ал Банонинг эгнига зарбоф тўн ёлди. Дунё кезган, дунё кўрган Ал Бано бу эҳтиромга жавобан қўшиғидан ҳам жарангдорроқ сўзларни айтди: “Самарқанд менинг ҳам Ватаним!”.

2

ФАХРИЙЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИ

« Бошланиши 1-бетда

2017 йил — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ

самарадор механизми амалда

Самарқанд шаҳрида яшайётган 94 ёшли Рашид Раҳмоновга давлатимиз раҳбари йўлаган табрик ва 2 миллион сўм пул мукофоти ҳамда бошқа совғаларни вилоят ҳокими Ҳ.Оқбўтаев топширди.

Отахоннинг хонадонида кечган суҳбатда вилоят ҳокими Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti фахрийлари давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлаб, Р.Раҳмоновга самимий миннатдорлик изҳор этди. Давлатимиз раҳбари табригида қайд этилганидек, "Бутун инсоният қадири хавф остида қолган суронли даврда тинч-осойишта ҳаёт, мусатфо осмон, фарзандларимизнинг ёруғ келажаги учун жасорат ва матонат кўрсатганингиз, тинч меҳнат йилларида элу юртимиз раънақи йўлида филокорона хизмат қилганингиз барчамиз, айниқса, ёшларимиз учун ибрат мактабидир".

— Байрам яқинлашган сайин хонадонимиздан меҳмон аримай қолди, — дейди Рашид Раҳмонов. — Ҳар куни ҳокимликдан, "Нуруний" жамғармаси ва бошқа ташкилотлардан вакиллар келиб, ҳол-аҳвол сўраётгани, совға-салом бермоқда. Бунинг барчаси юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, кескаларни эътиборга оlishга бўлган ғамхўрлик ва эътибор самарасидир. Бутун Президентимизнинг менинг номимга йўлаган табрикларини олиб, бошим кўкка етди. Унда қайд этилган фикрларни ўқиб беришганида кўзимга ёш келди. Бизни шунчалик улуғлаган давлатимиз раҳбарини дуо қилдим.

**Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири**

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" муносабати билан парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини, халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокама-сига киритиш тартибини жорий этиш вазифаси қўйилган эди.

Шу муносабат билан жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида белгиланган жадвал асосида Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари томонидан ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолати, ҳокимият идоралари, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолияти ўрганилмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида Фарғона вилоятининг Фарғона тумани ўрганиб келинди. Дастлаб, Фарғона вилоятидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ўз сайлов округларида 1 — 3 апрель кунлари халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашларининг сессияларида иштирок этдилар. Мазкур сессияларда "Туманда (шаҳарда) бир-бирига яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди. Сессияда Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида тузилган Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши, дори-ситалари таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳадаги

қонунчиликни амалиётта самарали татбиқ қилиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича комиссия раҳбарининг ахбороти, шунингдек, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси раҳбарининг жорий йилнинг биринчи чораги давомида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

4 — 10 апрель кунлари эса вилоятнинг Фарғона туманида 14 нафар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва 4 нафар Сенати аъзолари томонидан аҳоли билан доимий мулоқот ўрнатиш, туманни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини ҳал этиш, аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати ўрганилди. Бунда аввал хонадонлардаги, сўнг соҳалардаги мавжуд муаммоларни ўрганиб, таҳлил қилинди.

Ўрганиш давомида депутатлар ва сенаторлар худудлардаги аҳоли, шу жумладан, ёшлар, тадбиркорлар, фермерлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳамда фаоллари билан бевосита учрашувлар ўтказилди.

Тумандаги 1123 та хонадонга борилиб, ҳар бир хонадон вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб борилди. Ўтказилган учрашув ва мулоқотларда 7239 нафар фуқаро, шу жумладан, 356 та тадбиркорлик субъекти қамраб олинди ҳамда уларни ўйлантираётган муаммо ва камчиликлар юзасидан фикрлари эшитилди ва ўрганилди.

Ўрганиш ва мулоқотлар давомида аҳоли томонидан ўз ечимини кутаётган турли муаммо ва камчиликлар юзасидан жами 1065 та масала кўтарилди. Мазкур масалалар таҳлили шунга кўрсатмоқдаки, улар асосан уй-жой-коммунал (186 та), аҳоли бандлиги (149 та), транспорт ва йўл қурилиши (134 та), соғлиқни сақлаш (127 та), банк-кредит (114 та), пенсия ва нафақа таъминоти (49 та), таълим (40 та), тадбиркорлик (76 та), савдо ва маиший хизмат (42 та) соҳаларига тааллуқлидир.

Юқорида қайд этилган масалаларнинг жойида ҳал этиш мақсадида депутатлар ва сенаторлар томонидан кўрилган чоралар натижасида 273 та (қарийб 26 фоиз) муаммо жойида ҳал этилди.

Масалан, тумандаги 25 нафар фуқарога тижорат банклари билан биргаликда 110 миллион сўм кредит маблағлари ажратилишида ёрдам берилди.

— Кескалар, ногиронлар ва аҳолини бошқа ҳолатдан қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, тумандаги Ноквент ҚФЙ, Шоҳимардонобод қишлоғида яшовчи, 1941 — 1945 йиллардаги жаҳон

уруши иштирокчиси, 1-гурух ногирони Қаразақов Ғани отага санаторияга дам олиш учун иккита бепул йўлланма ажратилишига ҳамда бепул стоматологик протез ўрнатилишига эришилди;

— 4 нафар фуқарони ногиронлик нафақасига чиқариш ва 3 нафар фуқарони 1-гурух ногиронлигига ўтказиш юзасидан қилган муурожаатлари вилоят ВТЭК ходимларини жалб қилган ҳолда тегишли тартибда ўрганилиб ҳал этилди;

— Шоҳимардон қишлоғидаги 1-гурух ногирони Тожибоев Тожибахмадага виллоят Соғлом авлод жамғармасидан ногиронлик аравачаси билан таъминлашда ёрдам берилди; — тумандаги Янгиобод, Шоҳимардон ва Оқбилал қишлоқларидаги 9 нафар ишсиз фуқаро ишга жойлаштирилди.

Шунингдек, хонадонларда ташкил этилаётган мулоқотлар билан бир қаторда депутатлар ва сенаторлар томонидан худудда жойлашган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари, ҚВПлар ва тадбиркорлик субъектлари билан

учрашилди ҳамда уларнинг фаолияти билан яқиндан танишиб, мавжуд муаммоларни аниқлаган ҳолда, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Хусусан, 26 та мактабга таълим муассасаси, 7 та касб-ҳунар коллежи, 18 та тиббиёт муассасалари (жумладан, 8 та ҚВП) ҳамда 26 та кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектидаги ҳақиқий ҳолат, коммунал соҳалар ва бошқа ташкилотлар фаолияти ўрганилди.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, туманнинг 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 23 миллиард 465 миллион сўмлик 116 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 804 та янги иш ўрни ташкил этилишига эришилган. Лекин шу билан бирга, ўрганишлар давомида 2015 йилда 121 та, 2016 йилда 59 та, икки йилда 180 та тадбиркорлик субъекти фаолияти тугатилгани ҳам аниқланди. Бу эса ўз навбатида иш ўринлари қисқаришига сабаб бўлган.

Аниқланган муаммолар ва камчиликларни парламент назоратининг парламент сўрови, парламент эшитиш ва депутат сўрови каби шаклларида фойдаланган ҳолда бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Хулоса қилиб айтганда, Парламент аъзоларининг жойларда ҳақиқий аҳволни ўрганиш юзасидан ташкил этилган фаолияти, давлатимиз раҳбарининг халқ билан мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни тинглаб, муҳокама этиш — худудларда тўпलаниб қолган муаммоларни ҳал қилиш борасида нақадар самарадор эканлигини кўрсатиб берди.

**Шухрат ШАРАФУТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Фармонга мувофиқ, Яшнобод тумани ҳокимлиги, мудофаа ишлари бўлими, "Нуруний" жамғармаси вакиллари Иноят ота хонадонига бўлиб, Хотира ва қадрлаш куни билан табриклаб, Президентимиз номидан 2 миллион сўм пул мукофотини топширди. Шоҳимардон маҳалласида яшовчи Иноят отанинг миннатдорлигини нурли чехрасидан, самимий суҳбатидан сезиш қийин эмас.

— Фронтта кетганимда тоғни урса, талқон этгудай йигит эдим. 1948 йили Тошкентга қайтиб, яна сеvimли касбим — ҳайдовчилик билан шуғулландим. Умримнинг 70 йилини шу касбга бағишлаганман. Мен дунёдаги энг бахтли ва бой одамлардан бириман: 10 фарзанд, 31 невар, 33 эваранинг ардоғидаман. Баъзан мени кўришга келган неварачевараларим саногидан адашиб ҳам кетаман. Шу кунларга етказганига минг шукр!

**Азима ҚИЁСОВА,
ЎЗА мухбири**

Иноят ота мудом ҳаракатда. Маҳаллада, таълим муассасаларида ёшларга тинчликнинг улуг неъмат экани, бугунги фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш зарурлиги ҳақида насихат қилади. Маънавий-маърифий тадбирларда фаол қатнашади.

Отанинг самарали меҳнатлари муносиб рағбатлантирилиб, "Жасорат", "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" юбилей медаллари билан тақдирланган.

Суҳбат қизиганда отахон уруш йилларини хотирлаб, ҳалок бўлган қуролдошларини эслаб, сукутга кетди, билдирмай кўзига ёш олди. Бугунги фараҳбахш кунлар, мустақиллик яратган бемисл имкониятлар, тинчлик-омонликда ўтаётган ҳаёти учун яратганга беалаҳ шукроналар айтди.

«ХАРБИЙ ВАТАНПАВАРЛИК

Юрт тинчлигию халқ осойишталигини таъминлашдек шарафли бурчини бажарётган ватандошларимиз ҳар қанча эҳтиромга, эъзозу олқишга муносиб. Уларнинг машаққатли меҳнатини кўрсатиб бераётган касб эгалари ҳам шундай. Зеро, улар кези келса ҳарбийлар билан бир сафда туриб, қалам тебратадилар, улар чекадиган машаққатга шерик бўладилар. Иккинчи жаҳон урушида фронтда туриб, жангчиларнинг мардона хатти-ҳаракатларини мақолалар ва фотолавлалар кўринишида халққа тақдим этган боболаримиз қаҳрамонлигини ким унутади?



Сурат муаллифи Шолазиз ШОХИДОВ

Дунёни мафтун этган САМАРҚАНД

« Бошланиши 1-бетда

Ҳамма оёққа қалқди. Бир қўшиқ ва икки калима сўз билан ўзини юртимизга бағишлаган инсонни ҳамма чин кўнгилдан олқишларди. Тарих зарварларига олтин ҳарфлар билан ёзилган бу дамлар тотидан ҳали ўзимизга келмай туриб, Ал Бано қўлида овоз кучайтиргич билан ерга узала тушиб ётиб олди, лабларини ташналик билан тупроққа босиб, еримизни ўпди. Упганда ҳам бир эмас, икки эмас, уч бора ўпди! Ана, меҳр изҳори, ана, қўшиқдан ҳам жарангдорроқ қўшиқ, ана элчилик ва ҳозиржавоблик! Ана улкан юрак ва жасорат!

Юраклар фаҳр ва ғурурдан тинмай тепарди. Уллубек мадрасаси бир тўлғониб олди. Тиллакори товганиб кетди. Шерпорнинг манлайидаги икки шер оҳуларни қўламоқдан бир зум тўхтади. Регистоннинг хонанда ўпган тупроқлари тиллога айланди. Кўзлардан қувонч ёшлари, кўнгилдан шеър қуйилар эди:

*Юртим, кетгим келмас, унутгим келмас,
Кўксимни тоғ этган шул дамларимдан.
Самарқанд номини жаҳонга ёйган,
Истиқлол, айланай қадамларимдан!*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар гал Самарқандга ташриф буюрганларида, бир дунё янгиликлар, одамларимизни янгица янашга, орзуларга, бедорликка чорлайдиган йўриқномалару ёрдам, кўмак, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашлар билан келади. Хонадонларга кириб, муаммоларни ўрганиб, уйдаги кескаларга, ногиронларга, фарзандларига, томорқасига, товугию мол-ҳолигача эътибор беради. Нурунийларга ҳурмати, ёшларга меҳри, аёлларга эътибори-чи? Қайси мамлакат президенти қалбиди шунчалар меҳр бор? Ҳар бир соҳани тубиғача, мухаммал билишларини-чи? Дуоларда ҳикмат қўлини рост экан. Отахону онахонларимиз ҳар куни Президентимизни илҳос билан дуо қиладилар. Бизлар эса тақдиримиз, эртаси, қалбимизни ишонч билан Юртбошимиз қўлига топширамиз.

Сайловолди учрашувларда Самарқандга трамвай келтиришни ваъда қилган эдилар. Мана бугун сўзларининг устидан чиқдилар. Ва биринчи йўловчи ўзлари бўлди. Халқи билан бирга трамвайга ўтирдилар. Ешу қари, самарқандликлар Юртбошимизни олқишлаб, кўчаларга тўлиб, қўл силкитар эканлар, севинч ёшлари бўғзимга тикиллади.

Ўз халқини оқилона сиёсат билан бахт томон бошлаб бораётган муҳтарам Президентимизни авайлагимиз, бизнинг яхши кунларимиз учун саломат ва кучли бўлишини, узоқ умр кўриб, оламшумул ишлар қилишини истаيمиз. Трамвайга чиқишимиздан салгина олдин бир шеър ёзган эдим. Минг йиллик тарихга эга Алпомиш дostonида бор: Ойбарчин ўзини қутқаргани Алпомиш Бойчибор отига миниб келайтгани дупурини эшитиб, "Қурриё қур, ҳайт-а, тўраминг оти", деб ҳайқирган экан. Самарқандга трамвай келганидан севинмай бўладими?

*Еру кўк гумбураб навриси келар,
Юртимга бекарнинг сараси келар,
Ҳарки дарду ғамнинг чораси келар,
Юлдузга санчиди минган гироти,
"Қурриё қур, ҳайт-а, тўраминг оти!"*

Хосият БОБОМУРОДОВА

Мардликни мадҳ этганлар тақдирланди

Шукри, бугун Ватанимиз сарҳадлари тинч, осмонимиз мусатфо. Журналистлар эса жасур ҳарбийлар ҳаётига оид мақола, очерк ва лавлаларини ҳадиғу эҳтиёткорлик билан эмас, завқу шавқ билан ёритадилар.

2017 йил 28 апрель куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Армия — юртимиз тинчлиги ва осойишталиги рамзи" республика танловиди иштирок этиб, ғолиб ва совриндор бўлган ана шундай ҳамкасбларимизни тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши,

Мудофаа вазирлиги, Миллий теледиорномани ҳамкорлигида ўтказилган мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг йигирма беш йиллигига бағишланди.

Танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка таъсирчан воситалар орқали тарғиб этиш, замонамиз қаҳрамонлари бўлган Ватан ҳимоячилари образини яратиш, ёшларимизни миллий истиклол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз фуқароларида шарафли касбга нисбатан фаҳр, ифтихор туйғуларини юксалтириш, республика оммавий ахборот воситалари ходимларининг мазкур йўналишдаги ижодий фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган.

Жорий йил илк бор ўтказилаётган танловда телевидение, радио, интернет, босма ОАВ ва фотожурналистика йўналишларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуда қалам тебратиб келадиган юзга яқин журналист мингдан ортиқ ижодий ишлари билан қатнашди. Ижодий ишларнинг ҳар бирида юртга садоқат, ватанпарварлик руҳи сезилиб туради.

— Бу соҳа вакилларига ҳурматим юксак, шу сабабимиз ижодий ишларимнинг аксарияти ҳарбий-ватанпарварлик руҳида. Ҳарбийлар — замонамиз қаҳрамонларидир. Улар ҳақида қанча ёзсақ, эътироф этсак кам. Чиннакам ватанпарварликни улардан, уларнинг ҳаёт йўлидан ўрганиш керак, — дейди "Хабар" газетаси мухбири Муборак Мирқамолова. — Тўғриси айтсам, бугун менинг камтарона меҳнатим юксак баҳолангани

дан қалбим ғурурга тўлди. Бу эса, ушбу йўналишда бундан кейин янада самаралироқ қалам тебратишга ундайди. Ҳарбийлар ва журналистлар иштирокида бўлган тадбирда "журналистлар — ушбу жонкуяр касб эгаларининг қуролдош дўстлари" дея эътироф этилди. Бу бежиз эмас, албатта. Тадбирнинг кўтаринки руҳи ўтганига ҳам мана шундай самимий муносабат сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

Куролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ижросидаги куй ва қўшиқлар аудиторияга ҳушқайфият улашди. Тантанали маросимда сўзга чиққанлар бугунги кунда миллий армиямиз

олдидан ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Бу кун ватан мустақиллиги йўлида жон фидо қилганлар, ватанпарвар инсонлар, айниқса, урушларда жон фидо қилган аскарлар номи тила олинади, ёд этилади. Улар ҳақида очерклар, мақолалар ёзиш, кўрсатув, эшиттиришлар тайёрлаш журналистлар зиммасида экан, бугунги тадбир уларни руҳлантириб, янада илдам ҳаракат қилишга ундайди, десак муболага бўлмайди.

Тантанали маросимда сўзга чиққанлар бугунги кунда миллий армиямиз

Маросимда жамоатчилик вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари, вазирлик қошидаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги "Еш журналистлар клуби" аъзолари иштирок этди.

**Шохсанам КОМИЛОВА,
"Hurriyat" мухбири**

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

▶ ХОТИРА УЙФОНГАНДА

Меҳрибон ота-онанг, яқин одамларнинг ҳақида ёзиш нақадар ёқимли, шу билан бирга, шунчалар қийинки... Камина ҳам бунга амин бўлганман. Ушбу сатрларни қозғога тушириш учун неча бор чоғландим, бироқ ҳар гал қўлимга қалам олганимда, юрак ўзгача уради. Шу боис бу юмушни орқага суриб келдим. Лекин ёзишим керак эди. Бу бурч менга нафақат бу дунёдан кўз юмганлар олдида, балки уларнинг руҳини шод этиб, хотирасини эъзозлаётганлар олдида ҳам қарздорлигимни англатиб туради.



Эзув столим устида бир тахлам оқ қозғо орти кишининг мангуликка битилган тасвири.

Суратнинг орқа томонига: "У 26/IV.43.Орлов/ область, ст. Рождество" деб битиб қўйилган. Бошқа ҳеч қандай ёзув йўқ. Суратдагиларнинг унгдан биринчиси менинг отам, қолганлари эса унинг сафдошлари. Улардан икки кишини онам (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин!) яхши танир эди. Чап томондан: жингалак сочили, қулиб турган қиз Зифо Шамсуддинова, унинг ёнидаги эса Умрзоқов экан. Зифо жуда ёшлигига қарамай, фронти кўнгилдилар сафиди кетган. (Уни хизматдошлари Зебо деб қақришган. "Қизил Армия" фронти газетаси тахририятида матн қўчируви, котиба бўлган экан).

Суратга тикилиб, хаёл сураман. Ҳеч нарса кўнгилга сирмайди. Уша машғум дахшатли тунда улардан қайси бирининг умри гулдек ҳазон бўлди экан?! Балки ушбу суратдагилардан кимлардир ҳаётдир, эҳтимол, уларни таниган-билганлар бордир?!

...Отам вафот этганида еттинчи синфда ўқирдим. Уларнинг оловли кунлар ҳақидаги ҳикояларидан баъзиларини тинглаганман. Ҳозир ҳикоя қилаётганларини онам ёзув берган эди.

...Отам хизмат қилган 1-Беллоруссия фронти ихтиёрида "Қизил Армия" газетаси тахририяти ўрмон ичкарисида беш-олти вагонга жойлашган бўлиб, олдинги вагонлар иш жойи ва босмахона, охириги икки вагон ётоқхона ва ошхона вазифасини ўтар экан.

тидди. Одамлар ўзларини панага урдилар...

Кўпинча душман самолёти бомба ташлаганидан кейин яна учиб келиб, ўз "хунар"ини "тантанали" равишда суратга тушириб, кўринган одамларни ўққа тутиб кетарди. Буни билган соддатлар ўзларини панага олар эди. Бу гап самолёт ёнаётган вагонлар тепасидан учиб, ҳеч қанча ўққа ўзмай қайтиб кетди. Урмоннинг ачиқ тугун, ярадорларнинг оқ-ноллари тутган эди.

Тонг саҳарда дахшатли манзара яққол намоён бўлди. Ҳалок бўлганларнинг ўзи ўн саккиз киши эди. Бир қанча киши, жумладан, Азиззонов ҳам қаттиқ ярадор бўлади. У дам хушини йўқотар, дам ҳушини келиб, "Зебо, Зебо қани?" деб алаҳадларди.

Ярадорларни "санчаст"га жўнатиб, аскарлар ҳалок бўлганларни дафи этиш учун қабр қазидилар. Ўн саккиз жангчи ҳамда эндигина ўн тўққиз баҳорини кўрган, ҳали ўн гулидан бир гули ҳам гунча очмаган Зифонинг ҳам умри шу ерда тугади. (Ҳозир Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги Катта кўчалардан бири Зифо Шамсуддинова номи билан аталади. — Муаллиф).

Отамнинг "қабр тепасида Куръон тиловат қилиб, шаҳидларнинг руҳларига бахшида этган эдим", деган гаплари салпал эсимда.

...Бомба тушганида вагонларнинг икки томонидаги соқчилардан бири ҳалок бўлган, иккинчиси эса соғпа-соғ қолган. Буни қарангки, отам кечаси навбатчиликни топширган эканлар.

Шу ўринда раҳматли бувимдан эшитганимни сўзлаб бермоқчиман.

— Тошкентни чор Россия-

си босиб олганида (1865 йил 15 — 17 июнь), — деб ҳикоя қилар эди у киши, — онам уч ойлик чақалоқ эканлар. "Ёв босди, ёв босди" деб ҳамма яширинишга тушган. Одамлар қўлига илгинган нарсаларини олиб, шаҳардан чиқиб кетишга шояшилган. "Эй Парвардигор, сенга омонат" деб онамни — уч ойлик чақалоқни болохонада териб қўйилган чалмалар устига ётқизиб кетишибди. Уч кундан кейин "омон", "омон" бўлгач уйга қайтиб, кўришсакки, чақалоқ "инга-инга"лаб охирига нафасини олиб ётганмиш. "Ураман деса чора йўқ, асрайман деса бало йўқ", деб ана шунга айтилади, болам.

Отам 1942 йил 23 июлда, "Қизил Ўзбекистон" газетаси тахририятида ишлаб турган вақтларида Қизил Армия сафига қақририлган. Турли қозғоларни арақлар эканман, ушбу ҳужжатга кўзим тушди. Унда шундай ёзилган эди:

1-Беллоруссия фронти. "Қизил Армия" газетаси редакцияси. 22.IX.1945 № 0163

1-Беллоруссия фронти 48251-А ҳарбий қисм командири Н.Попанов

Маълумотнома

Қизил аскар Абдукаримовга берилди шу ҳақдаким, у 1942 йил сентябрь ойидан 1945 йил 27 сентябрга қадар 1-Беллоруссия фронтида 48251-А ҳарбий қисмида ҳақиқий ҳарбий оламани ўтади. У "Берлинни озгонди" медали билан мукофотланганга ҳақиқ.

"Қизил Армия" газетаси тахририятининг ходими, катта сержант Солиҳ Абдукаримов жанговар қаламқаш журналист дўстлари Жалолхон Азиззонов, Мирзақалон Исмоилий, Мели Жўра, Илёс Муслимлар билан

биргаликда фашизмни ўз уясида тор-мор этишда баҳоли қудрат ҳиссасини кўшди. Қўмондонлик топшириқларини муваффақиятли бажаргани учун бир неча бор мукофотларга сазовор бўлди. "Сталинград мулофаси учун", "Варшавани озод қилганлик учун", "Жанговар хизматлари учун", "Берлинни олганлик учун", "Германия устидан қозонилган ғалаба учун", "Улуғ Ватан уруши йилларидаги меҳнати учун" жанговар медаллари билан мукофотланди. 1945 йил июль ойида — Постдам конференцияси ўтаётган кунларда ушбу шаҳарчада эди.

Отам 1945 йил октябр ойида Қизил Армия сафидан қайтгач, декабрь ойидан бошлаб Ўзбекистон ССР давлат нашриёти бош башқармасида меҳнат фаолиятини давом эттирди. Бу даргоҳда умрининг охирига қалар (1955 йил 22 декабрь) самарали ишлади.

Афсуски, отамнинг фронтдан ёзган хатлари сақланиб қолмаган. Балки уруш ва урушдан кейинги йилларда баҳорда — далага, кузда — шаҳарга "кўчидилар"да йўқолиб кетгандир. Лекин аминманки, мактублар она юрт, оила соғинч, фарзандлар ва ота-она меҳри билан йўғрилган. Мана, отамнинг мактубларидан бирида битилган, раҳматли онамининг хотираларида қолган назимий мисралар:

*Оқим, қилди уруш шаҳриёримдан жудо,
Оқу кўз, қошлар қаро
нозик ниҳолимдан жудо.
Сўзи шакар, ўзи дилбар
Суръатим, Санъатларим,
Қайратим, Тавъатларим,
жондан азиямдан жудо.
Кўзи дардлик, ўзи гамлик
меҳрибон онам менинг,
Хаста ётаган, бағри биринг
меҳрибон отам менинг.
Соғмисиз, омонмисиз,
ақлу расо Қори укам,
Ишларингиз яхшим,
жондан азиз катта акам.
Набихўжа, Аниҳўжа
номларингиз дилда жо,
Зикрхўжа, Қаниҳўжа,
Ботиру Фулом укам...*

Шуларни эслаб юрагим қақридан бир нидо келади. "Асло уруш бўлмасин, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин."

Суръат АБДУКАРИМОВ

▶ ЭЪТИБОР

Республикамизда барча соҳалар қатори аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш жаҳасида ҳам кенг қўлмали ислохотлар амалга ошириляпти.

Соҳада эришилаётган ютуқларни Республика ногиронларни реабилитация ва протезлаш миллий маркази ва унинг вилоят бўлимлари фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин.

МЕХР ЭНГ ЯХШИ ДАВОДИР

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида ногиронлар реабилитациясининг 1996 — 2000 йилларга мулжалланган Давлат дастури" асосида ташкил этилган Тошкент вилояти ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида олиб борилаётган ишлар ҳам бунга мисол бўла олади. 2000 йилда ўз фаолиятини бошлаган мазкур марказ Ангрен шаҳрида жойлашган. Марказ 50 ўринга мулжалланган бўлиб, ички касалликлар, асаб ва жароҳат асорати билан касалланган ногиронлар ТМЭК йўлланмасига кўра соғомлаштирилади. Бу ерда Тошкент вилоятининг турли шаҳар ва туманларидан келган ногиронлар мусавфо тоғ ҳавосидан баҳраманд бўлиб, ўз саломатликларини тиклайди. Марказда физиотерапия ва массаж, парафин билан даволал хоналари, спорт ва тренажёрлар зали беморларга беминнат хизмат кўрсатмоқда. Ҳар йили марказда 1000 нафардан ортиқ имконияти чекланган юртдошимиз тиббий, ижтимоий, касбий реабилитация тадбирларидан ўтади.

Марказда олиб борилаётган ибратли ишлар кўп. Шулардан бири ходимлар малакасини оширишга алоҳида эътибор берилаётганлиги. Ана шу мақсадда тиббиёт соҳасининг етук олимлари, тажрибали мутахассислар марказга таълиф этилиб, улар иштирокида ўқув машғулотлари, илмий-амалий семинарлар ва ўзаро тажриба алмашишга бағишланган тадбирлар ташкил этилмоқда.

Яқинда марказда ана шундай тадбирлардан бири — Республика ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказидан таъриф буюрган бир гуруҳ тажрибали мутахассислар иштирокида илмий ва амалий-услубий семинар бўлиб ўтди. Таъбир давомида 400 нафар ногирон ва беморлар қуриқдан ўтказилиб, тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

— Миллий марказ бўйича ҳар йили 5500 нафардан ортиқ бемор тиббий, ижтимоий, психологик касбий реабилитация тадбирлари ўтказилади, — дейди Миллий марказнинг ижтимоий ва касбий реабилитация бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди Шокир Қосимов. — Бугунги тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад шу йўналишда тўпланган тажриба ва ютуқлар омаллаштириш, амалиёт билан боғлаб зарур бўлса, ёш ходимларга керакли таъсиллар беришидир.

— Марказимизда республикамизнинг тажрибали шифокорлари иштирокида ўтказилаётган тадбиримиз яхши натижалар берапти, — дейди вилоят ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази бош шифокори Гавҳарой Шониева. — Ишимизга доир қўлаб маслаҳат ва тавсиялар олаётимиз. Ютуқ ва камчиликларимиз кўзга ташланипти. Касбимизга масъулятимиз ортмоқда. Шунингдек, тадбирда "Тарқалган склероз", "Диабетик полиневропатия" мавзуларида маърузалар қилинди ва амалий-услубий кўрсатма ва ёрдам кўрсатилди.

Меҳрни кимдир ширин сўз, яна кимдир эзгу амали билан илҳор қилади. Тошкент вилояти ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида олиб борилаётган ишларни кузатар эканмиз, у ерда бемор ва имконияти чекланган кишиларга ҳам яхши сўз, ҳам яхши амал билан меҳр кўрсатилаётганига гувоҳ бўлдик. У ерга умид билан келиб, яхши кайфиятда чиқиб кетаётган юртдошларимизга боқиб, меҳрининг энг яхши даво эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

ДИЛКАШ СУҲБАТЛАР

▶ БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИ МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ

Инсон қаерда яшамасин, ҳаммаша қалбиди туғилган дийрига бўлган чексиз муҳаббат устун туради. Ўз меҳнати ва бунёдкорлиги билан ўша жойнинг шарафини кўтаришга ҳаракат қилади. Бу ҳақиқатни биз "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурагимиз" шиори остида ўтказилган адабий-бадиий учрашувларда қатнашиб, юрак-юракдан ҳис этдик.

Тошкент вилоятидан бошланган мазкур тарғибот тадбирлари барча Ватанини фақат тил эмас, жону дил билан севиб кераклигини англатди. Юртимиз тинчлиги, саодати йўлида олиб борилаётган ислохотлар, янгиланишларга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшиш, шаҳару қишлоқларимизни кўришга имкон яратди. Энг муҳими, содда ва самимий халқимиз билан миллатимиз тақдирини, раванқини ва келажак ҳақида чин дилдан суҳбат қурдик. Вилоятдаги туман марказлари ва энг чекка қишлоқларга бориб, аҳоли учун яратилган маданий-маиший шaroитлар билан танишдик. Қолдир ва мактаблар, маҳаллалар, спорт иншоотлари, гуллар очилиб ётган бог ва хиёбонлар юрт фарзандларини бағрига олган. Албатта, илм, адабиёт ва санъат аҳли билан жонли мулоқотлар одамлар қалбиди унутилмас таассуротлар қолдириб, янги зафарларга илҳомлантирди. Хўш, эртанги кунимиз учун шунча куч ва маблаглар

ота-она ва устозларга боғлиқ. Бугун болаларимиз янги коллеж ва лицейларда тахсил олаётгани кўзимизни қувонтиради. Лекин фикр, нафс, ахлоқ ва қалб тарбияси борасида ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Тил ифпати, уят, ҳаёпардаси айнан, Қодирий бобомиз асарларида қандай ифодаланганини айтганимда, залдагилар сўзларимиз маъниё бўлиб қолди. Чиндан ҳам, уларда ахлоқи гузал инсонларнинг ҳаёти тасвирланган. Муҳаббати пардали. Ибн Сино бобомиз ҳам "Ҳасис юз — жонсиз жасад" эканини таъкидлаган. Бу гаплар ёшларимиз кўнглига ботмайдиган қилиб, андиша билан айтилди. Нафақат жамоат жойлари, балки бир-бирларини билан мулоқотга киришганда ҳам тилларидан бол томсин. Назаримда, бу мулоқотлар бизни халқимиз билан ҳамфикр, ҳамқадам бўлиб ижод қилишга ундайди.

— "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да шундай хайрли тадбирларнинг ўтказилиши маънавиятимиз юксалишига хизмат қилади. Мактабларга киришимиз билан меҳмонларни ўнгиларимиз юксак ҳурмат билан кутиб олишди. Улар мен роль ижро этган спектакллар, овоз берган хорикий сериалларнинг ҳаммасини кўрган экан, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Эдлер Носиров. — Ўқитган китобларимдан ҳам хабардор. Бизга зийрак нигоҳ билан боқиб, адабиёт ва санъат асарла-

рининг энг яхши намуналаридан ижро қилиб беришди. Мавлоно Румий "Ҳақнинг осори қудратларини басират кўзи ила, назари ибрати ила томоша қилинса, кўп ҳикматлар кўрилуру", деб бежиз айтмаган экан. Тадбирдан кейин Чирчиқ бўйларига бир назар ташлаб, ҳар ким ўз маҳалласида оиласи билан бахтиёр, келажакка катта ишонч билан яшаётганини сездим. Ёшлар илму хунар ўраниш билан машғул, ота-оналар улар тарбиясига масъул. Шундай фаровон юртда яшаган, бола-чақалари ёнида ҳалол меҳнат билан рўзгор тебратган, фарзандларининг истикболини уйлаган халқдан аябтат, юксак маданият ва маърифатни кутиш мумкин. Биз маданиятни бўлинг, фарзандларингиз мактабда аяло баҳорларга ўқисин, ўссин, демасак ҳам ўзлари бунни яхши билишади. Фақат ёшларимиз кўзига яхши кўринган шишлоқни дедик, қарфасга тушган кушдек ҳар хил оқимлар, диний экстремистик гуруҳларнинг "тўри"га илминиб қўлмаслигини айтдик. Илму маърифатдан узоқлашмаслиги, билимдон устозлардан сабоқ олиши ва Ватанимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишини эс-латдик. Ҳозир "оммавий маданият" ниқоби остида оқиб келаётган иллатлардан қочмоқнинг имкони йўқ, қутулмоқнинг йўли эса юксак маънавият билан курашиш. Ҳамма муаммо дангасалик, ялқовлик, ишсизликдан келиб

чиқади. Болаларни ёшлигидан меҳнатга муносабатини тўғри тарбиялаш, ёмон сифатлардан ҳазар қилиш ва маданиятга бўлишга ўргатишимиз лозим. Таълим-тарбия, билим ва маънавият ишларини яхшилашга ўз соҳасининг мутахассислари билан бирга, таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар ҳам жалб этилгани айни мўладо бўлди. Бу борда болаларни қизиқтирган кўнлан-кўп саволларга жавоб бердик.

Биз энг яхши таассуротларни китоблардан оламиз. Ижодий учрашувлар давомида таълим муассасаларидаги кутубхоналарга кириб, турли хил адабиётлар билан танишдик. Чинакам бадиий асарларга эҳтиёж катта. Ота-оналар билан очик мулоқотда бўлиб, мўлоаа маданияти ҳақида суҳбатлашдик. Таниқли шоир ва ёзувчилар ўз китобларига дастхатлар қўйиб, билимдон ўқувчиларга тақдим қилишди. Билимга лаёқатсиз болаларни "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз қанотига олиб, китобхон бўлишига қўмақлашини айтди. Санъаткорлар ҳалқ ичиди куй-қўшиқлар ижро этгани нафақат болалар, балки бутун қишлоқ аҳли қалбиди чуқур таассурот қолдириди. Бундай дилкаш суҳбатлар мамлакатимиз бўйлаб ўтказилиши назарда тутилган. Юрт фарзандларининг баркамоллиги йўлида хизмат қилиш ҳар биримиз учун шараф.

Адиба УМИРОВА

▶ ИБРАТ

Ёшларнинг маънавий оламини бойитиш — энг аввало, улар қалбиди адабиётга, санъатга меҳр уйғотиш билан бошланади. Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидаги қишлоқ ёшларининг ҳам марказдаги тенгдошлари каби янги нашр этилаётган асарлар билан танишиб боришлари бугун соҳага мутасадди ташкилот ходимлари билан бир қаторда барча маърифат ва маънавият фидойиларига дахлдор жараёндир.

Саодатга етакловчи куч

мактаб кутубхонасига 500 дона китоб совға қилинди

Яқинда нафақат пойтахтдан, вилоят марказидан ҳам юзлаб қақирим оиласида жойлашган Бойсун тумани тоғли Пулҳоким қишлоғидаги 462 нафар ўқувчи таълим олаётган 28-умумий ўрта таълим мактабиди "Китобхонлик саодатга етаклайди" шиори остида фестиваль бўлиб ўтди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мўлоааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши доирасида ташкил этилган ушбу фестиваль ўқувчилар қалбига қувонч олиб кирди.

Бугунгача 250 нафарга яқин олий маълумотли тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар ва бошқа соҳа эгалари таълим-тарбия олган, айниқса, табиий фанлардан чуқур билим беришга ихтисослашган ушбу таълим масканининг ўқувчилари тадбир давомида ўзларининг нечоғлик китобсеварлигини ўқитган шеърлари, адабиёт ҳақидаги мулоҳаза ва мунозаралари орқали намоён этишди.

"Сурхон ёшлари" газетаси бош муҳаррири, шоир Исроил Шомиров ўзи таълим олган мазкур мактаб кутубхонасига 226 номдаги жами 500 та китобни совға қилиши ёшлар учун ажойиб туҳфа бўлди. Китоблар жамланмаси янги нашр этилган ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп асарлар, бадиий адабиёт дурдоналари, дoston ва эртак китоблардан таркиб топган.

— Бу китоблар фақатгина мактаб кутубхонаси жавоабларини беэаб турмайди, балки ўқувчилар қалбини эзгу туйғулар билан ҳам беэайди, маънавий оламини бойитиши, — дейди мактаб директори Эр-



гаш Шукуров. — Шуниси ҳам эътиборлики, мактабимиздан чиққан ижодкорнинг ушбу хайрли ишни бошлаб бериши бошқалар учун ҳам ўрнақдир.

Байрамда фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида муваффақиятга эришган мактабнинг тўрт нафар билимдон ўқувчиси эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Фирдавс Шарипов китобхонликнинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти, ҳозирда турли хилдаги янги-янги адабиётларнинг нашр этилаётганлиги, бу жараёнга давлат сисъати даражасида эътибор қаратилаётгани ҳақида сўз юритди.

Адабиётнинг мангу мўъжизалиги ҳақида гапирар экан, филология фанлари номзоди, адабиётшунос Нормат Йўлдошев ҳозирги замон ўзбек адабиётида яратилаётган асарлар тўғрисида ўқувчиларга атрофлича маълумот бериб ўтди. Олим Сурхондарёдан етишиб чиққан ижодкорлар ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳам ўқувчиларни атрофлича таништириб ўтди.

Саодат АЛИМОВА, Сурхондарё вилояти

Журналист сўзи — жамоатчилик эътиборида

2017 йил биринчи чорагида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган таҳлилий-танқидий материаллар ҳақида

«Бошланиши 1-бегла»

Мақолада бозор ҳудудидаги ошқоналарнинг санитария ҳолати, бозор ҳудудидаги тозалик, сотилаётган маҳсулотларнинг санитария-эпидемиология назоратидан ўтказилиши талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги нашри — «Зарафшон» газетасида бу мавзу давом эттирилган. Ушбу нашрда жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар суди катта миқдордаги ўғирлик ва камомат учун «Мир-бозор бозори» масъулияти чекланган жамияти раиси ва унинг қўл остидагилардан иборат 12 ҳамтовонини турли муддатларга озодликдан маҳрум қилгани ҳақида мақола чоп этилган. Унда ёзилишича, Нарпай тумани «Мирбозор бозори» масъулияти чекланган жамияти раиси Р.Турдиев жиноий гуруҳ туганган ва ноқонуний молиявий операцияларни амалга ошириш орқали давлат манфаатларига катта миқдорда зарар етказган ва Р.Турдиев хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, 400 та савдо дўкони ва 2000 та растанинг ижара шартномасини сохташтираган. Шу йўл билан у ҳар ойда тушган мажбурий йиғимларни яширган ва унинг катта қисmini ўзлаштирган.

Кўриниб турибдики, бир мавзуга мурожаат қилган туман ва вилоят газеталарида мазкур нашрларда фуқаролар турмуши фаровонлиги учун маъмул шахсларнинг мажбур шароит ва имкониятлардан ўз нафсини қондириш йўлида фойдаланишига урингани фош этилган.

Мавзунинг нақадар жиддий эканини яна бир нашр — «XXI asr» газетасининг 19 январь сонидида эълон қилинган «Нақдми, пластикми ёхуд ҳамма билган ҳақиқат ҳақида айрим кузатувлар» сарлавҳали мақоласи тасдиқлайди. Мақолада пластик қарталар билан савдо қилишда учраётган муаммолар, бозорларда пластик қартага маҳсулотлар қиммат нархда сотилаётгани билан боғлиқ муаммолар ҳақида атрофлича мулоҳаза юритилган.

«Жамият» газетасининг 3 март сонидида бозорлардаги яна бир жиддий масалага эътибор қаратилади. Нима учун бозорлардан гўшт сотиб олинган, ўзининг суяги бўлишига қарамай, яна суяк қўшиб беришади? Бу ниманинг суяги ва қардан келган? Унинг ҳалоллигига, сифатига қафолат борми? Нима учун килоси 3-4 минг сўм бўлган қоқ суяк гўштга қўшиб 22-25 минг сўмдан сотилмоқда? Аслида бир килограмм гўшт олганда қанчаси суякдан иборат бўлиши керак? Бу саволлар ҳаммани қизиқтириши табиий, албатта. «Гўшт суякисиз, суяк гўштисиз бўлмас» сарлавҳали мақолада Тошкент шаҳридаги Юнусобод ва Эски Жўва бозорлари мисолида кўпчиликни қизиқтирадиган шу масала ўрганилган, таҳлил этилган ва муаммо жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган.

«Истеъмолчи — Потребитель» газетасининг 1 февраль сонидида «Недобросовестная конкуренция запрещается» сарлавҳали мақолада ҳам мамлакатимиз истеъмол бозорини ноҳолис рақобатдан ҳимоя қилиш масалалари тилга олинган. «Рақобат тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда, бир тадбиркорлик субъекти тер тўқиб яратган сонаот намунасини бошқа бир ишлаб чи-

қарувчи осонгина ўзлаштириб, бозорга олиб киргани, шу каби тадбиркорлик субъектларига нисбатан кўрилган чоралар, товарлар бозорини, сонаот намуналарини, ишлаб чиқарувчилар манфаатларини инсофсиз рақобатчилардан ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган ишлардан мисоллар келтирилган.

Қашқадарё вилоятида нашр этилган «Қашқадарё» газетасининг 2 март сонидида эълон қилинган «Номи бору ўзи йўқ» сарлавҳали мақолада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг маҳаллий бўғинларида ахборот хизматлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга ҳалақит бераётган сабаблар таҳлил этилади. Муаллиф вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматларини ташкил этишга рағбат, эътиборнинг сустиглини таъкидлайди.

Маданият, ўрта махсус, касб-хунар таълими, молия, соғлиқни сақлаш бошқармаларининг веб-сайти, айрим раҳбарларнинг электрон почтаси йўқлиги танқид қилинади. Вилоят меҳнат бошқармаси, Деҳқонobod, Чироқчи, Яққабог туманлари, Қарши шаҳар ҳокимликларининг веб-сайтларидаги хатолар, сайтнинг ишламаслиги ёки сайтга энг сўнгги янгиликлар вақтида қўйилмаслиги аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтилган.

«Сирдарё ҳақиқати» газетасининг 1 март сонидида яна бир долзарб муаммага эътибор қаратилади. «Давомат ва даволат» сарлавҳали мақолада вилоятнинг аксарият касб-хунар коллежлари ва академик лицейларида давоматнинг пастилиги ҳақида сўз юритилади. «Гулистон туманидаги Мирзо Улуғбек агросонаот касб-хунар коллежида 8 йўналиш бўйича 717 нафар ўқувчи таҳсил олади, — деб ёзади мақола муаллифи. — Биз коллежда бўлган (22 февраль) кунини 112 нафар ўқувчи дарсларга келмагани ойдинлашди. Бу тўлиқ тўртта гуруҳнинг ўқувчиси дарста йўқ, деган гап». Мақолада ўқувчилар дарсларга мунтазам қатнамаслигининг сабаблари таҳлил этилади, шунингдек, электр токи тез-тез узилиши оқибатида ўқувчиларнинг коллеж ҳудудида қириб-чиқилиши ҳисобга олувчи турникетлар ишламаётгани ҳам қайд этилган.

Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясининг «Сайёр камера»си 20 январь кунини таълим тизими билан боғлиқ мавзунинг бошқа бир жиҳатига эътибор қаратди. Кўрсатувда Гулистон тумани марказидаги Деҳқонobod қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи биноси умуман иситилмаслиги, шунингдек, туман газ идорасидан 5 миллион сўм қарздорлиги босиб ушбу илм маскани газ тармоғидан узиб қўйилгани, иситиш тизимлари ишламаслиги, ўқув хоналарининг совуқлиги туфайли коллежда дарс соатлари қисқартирилгани танқид остига олинган.

Оммавий ахборот воситалари кейинги вақтда шаҳар ва қишлоқлари миздаги йўллар ҳолатига ҳам фоол муносабат билдирмоқда. Масалан, «Ишонч» газетасининг 17 январь сонидида «Янгийўлнинг эски йўллари» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда Янгийўл тумани «Истиқдол» маҳалласи ҳудудидан ўтувчи «Темрийўл» кўчасидан юришга одамларнинг юраги безиллаб қолгани таъкидланади. Янгийўл ва Зангиота

туманлари аҳолиси фойдаланадиган мазкур кўча йиғирма йилдан буён таъмирланмагани ва натижада юриб бўлмас даражага келиб қолганига тегишли мутасаддилар эътибори қаратилади.

«Жамият» газетасининг 10 февраль сонидида яна бир танқидий мақола «Йўлга эътибор — элга эътибор» деб номланган бўлиб, унда Қўшработ туманидаги йўлларнинг ноқор аҳоли ҳақида сўз боради. Самарқанд шаҳрига бориб келгунга қадар бу йўллардан ўтиб-қайтаётган машиналар таъмирлаб ҳолга келиши, 4-5 йил бурун Маржонбулоқ — Зармитан — Қўшработ йўлини таъмирлаш ишлари бошланиб, Жиззах вилоятининг Кориз қишлоғидан Самарқанд вилояти чегарасига қадар тош ёққизилгани, навбат асфальтга келганида ишлар бутунлай тўхтагани баён этилган.

Мазкур газетанинг 24 февраль сонидида яна шу мавзуга оид «Йўлми бу, қўлми бу?» сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда пойтахтимиздаги айрим йўллар қиш мавсумига тайёр бўлмагани, қор, ёмғир туфайли йўлларда кўллар пайдо бўлгани борасидаги мисоллар фотолавлар билан кўрсатиб берилган. Мазкур мақолада йўл қурилиши охиригача сифатли бажарилмагани, хусусан, унинг дренаж тизимлари яратилмагани танқид қилинади. Мақолада таъкидланишича, Чилонзор туманидаги Фарҳод ва Лутфий кўчалари кесилиш жойда, «Фарҳод» бозори рўпа-расида катта қўлмас ҳосил бўлмоқда. «... йўллар ўзининг дренаж тизимига эга бўлиши, яъни ём — дейилади мақолада. — Мамлакатимизда замонавий йўллар қурилишига ҳар йили давлат бюджетидан миллиард-миллиард сўм маблағ сарфлангани барчамизга маълум. Аммо шунча пул сарфланиб, ишни охирига етказмаслик, чала битириш оқибатида кўпгина йўлларимиздан сув оқиб кетмасдан тўпланиб қолмоқда. Баъзи кўчаларнинг четига негадир атайлаб тўсиқлар ўрнатилган. Натижада сув ҳарорат кўтарилиши билан бўғилиб, яқинда қашпит таъмирланган кўчанинг аҳолига қараб бўлмаё қолади».

Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 7 январда эфирга узатилган «Йўллар ҳақида йўллар» номи остидаги таҳлилий-танқидий «Жомбой, Ургут туманлари ҳамда Самарқанд шаҳридаги айрим ички йўлларнинг аҳоли, уни бартафари қилиш бўйича чоралар танқидий ва таҳлилий ёритилди.

Наманган вилоят телерадиокомпаниясининг 10 январдаги «Очиқ микрофон» номи кўрсатувда Наманган шаҳридаги «Мингчинон», «Гулзор», «Бўстон», «Каттаарик», «Шўрқўрғон» маҳаллаларидаги кўчалар ачинарли ҳолатда экани хусусида сўз боради. Мазкур телеканал 6 январь кунини «Диёр янгиликлари» инфо-мация теледастур орқали намоён этилган таҳлилий лавҳада эса йўл билан боғлиқ мавзунинг бошқа томонида эътибор қаратилган эди.

Яна бир муҳим мавзу — «оммавий маданият» ва унга қарши курашиш, Интернетдаги турли уйинларнинг болалар ва ўсмирлар соғлигига таъсири, ҳатто уларни ўз жониға қасд қилишга ундаётгани тўғрисида ҳам оммавий ахборот воситаларида туркум мақолалар эълон қилинмоқда.

«Тошкент» телерадиокомпаниясида 6 январь кунини намоён этилган

«Кўзудаги биз» номи кўрсатув телетомошабинларда катта таассурот қолдириди. Кўрсатувда айрим инсонлар орасида ҳаётнинг кўтарилаётгани, ижтимоий тармоқлардаги бехиз суратлар, видео лавҳалар ёшларимизнинг маънавий оламида қора из қолдириши ҳақида мулоҳаза юритилди.

Фаргона вилоятида нашр этилган «Навқирон авлод» журналининг бу йилги биринчи сонидида берилган «Ургимчак тури»га ўралашганлар ёхуд виртуал ва реал ҳаёт тўқнашуви» сарлавҳали мақола Интернетдаги диний экстремизм, терроризм, шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиботи, худди шундай сайтларнинг домига тушиб қолишининг фожиали оқибатлари, ижтимоий тармоқлар фаолияти туфайли пайдо бўлаётган руҳий касалликлар ҳақида бонг уриши билан аҳамиятлидир.

«Ўзбекистон» телерадиоканалида 13 февралда намоён этилган «Нафса алмашилган Ватан» кўрсатувидида турли диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб, хоржий мамлакатларда қочиб юрган С.Омонтоевнинг жиноий қилмишлари фош этилган бўлса, 7 февраль кунини эфирга узатилган «Адашганлар қисмати» эшитиришида «оммавий маданият»нинг ориқсиз кечадиган хатарли касалликка ўхшаш зарарли, ёт таъсирга мослашиб бориш инсон тақдирини, ҳаётини барбод этиши, шу кунини эфирга узатилган «Виртуал дунё» номи радио эшитиришида турли ижтимоий тармоқларда бузғунчилик, ҳаёсизлик ва лоқайдликнинг тарғиб қилиниши, бу эса ҳар бир юртдошимизни оғоҳликка, сертак бўлиб яшашига ундаши хусусида жонли мулоқот ташкил этилди.

«Ёшлар» радиоканали орқали 3 январь кунини эфирга узатилган «Сўнги пуйаймон» номи эшитиришида диний экстремистик оқимларнинг мақсад-моҳияти ҳақида ҳар кунини, ҳар соғатда гапирила-да, бундан тегишли хулоса чиқара олмаган фуқаролар — Андижон вилоятида 1976 йилда туғилган, Интернет тармоғи орқали ўзини «Имом Махдий» деб таништирувчи Тоҳир Отабоев ва Умидахон Жўраеванинг қилмишлари, охир-оқибат уларнинг қонун олдидида жавоб беришига тўғри келгани энди пуйаймон бўлишдан наф йўқлиги ҳақида сўз юритилди.

18 январь кунини «Ёшлар» телерадиоканали орқали эфирга узатилган «Ўзингники ўзингники қирқса» номи кўрсатувда айни пайтда хоржида яшаб, юртдошларига қарши турли жиноятларни содир этиб келаётган жиноий гуруҳнинг қилмишлари фош этилди. 1986 йилда Бухоро вилоятининг Қорақул туманида туғилган М.Шарипов 2007 йилдан буён Таиланд давлатида яшаб, у ерда ўзига ўхшаган кимсаларни топиб, улар билан тил бириктириб, Ўзбекистондан Таиландга борган юртдошларимизнинг пулини, паспортини ўмаргани каби қабих ишлари фош этилди. Мазкур канал орқали 19 январь кунини эфирга берилган «Нафиса қул бандалар» номи кўрсатувда ҳам бирорнинг ҳақиқа хибнат қилишдан оқ қилмайдиган кимсалар, содда фуқароларни алдаб осонгина пул топишни ўзига касб қилиб олган фирибгарларнинг қилмишлари, улардан жабр қўрганларнинг афсус ва пушаймони, баъзи фуқароларнинг хоржиға чиқиши, у ерда яшаш тартибларидан хабарсизлиги, ўз ҳуқуқларини

билмасликлари фирибгарлар кўпайиб кетишига сабаб бўлаётгани ҳақида хикоя қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси телерадиоканалиси томонидан 12 январь кунини «Жўяпкершиликке назар» номи кўрсатув намоён этилди. Унда пора ва порахўрликнинг келиб чиқиш сабаблари, поранинг соғадан фарқи экспертлар томонидан таҳлил этилади. Шунингдек, Андижон вилоят телерадиоканалиси томонидан 15 январь кунини намоён этилган «Халқ ризқига хибнат» номи кўрсатувда арзон ва имтиёзли нархдаги ун ва ёр каби саккиз хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини жойларга етказиб беришга маъсул бўлган мутасаддиларнинг лоқайдлиги, бепарволиги натижада бу маҳсулотларнинг нархларини асосиз равишда ошириб сотиш ҳолатлари танқид қилинди.

«Диёр янгиликлари» инфо-мация теледастур орқали Бухоро вилоят телерадиоканалиси 23 январда Когон тумани «Геофизиклар» маҳалласи кўчалари, аҳоли хонадонларининг ён-атрофи, зовурлар қаровсизлик оқибатида ташландиқ ҳолга келиб, чиқинди уюмларининг тўпланиши қолгани, бунга эса, мутасадди ташкилотлар билан бир қаторда маҳаллий аҳолининг бефарқ муносабатиди бўлаётгани, Бухоро тумани «Работипоён» қишлоғидаги ободончилик ишлари билан солиштирилган ҳолда, танқидий руҳда ёритилди.

Мазкур телеканал 28 январда «Сайёр камера» номи кўрсатув намоён этилди. Унда Бухоро шаҳридаги ободонлаштириш ишлари билан боғлиқ муаммолар, жумладан, Намозгоҳ, Муस्ताқиллик, Иброҳим Мўминов кўчаларининг айрим жойларда чиқинди уюмлари тўплангани, анчадан буён фойдаланилмаган қаровсиз ётган бинолар, бунга одамларнинг лоқайд муносабатиди бўлаётгани, қўчаларнинг икки ёнида жойлашган маиший хизмат уйлари, савдо дўконлари, таълим муассасалари, турли ташкилотлар фасад қисмларининг замон талабларига жавоб беришмаслиги, Намозгоҳ кўчасида жойлашган Турки Жандий қадимий мейморий обидаси қаровсизлик оқибатида ташландиқ аҳволга келиб қолгани танқид қилинган.

Қашқадарё вилоят телерадиоканалиси томонидан 6 январда эфирга узатилган «Мулоқот» кўрсатувидида Қарши шаҳрининг баъзи мавзелирида коммунал хизматлар талаб даражасида эмаслиги, электр токининг тез-тез узилиш ҳолатлари кузатилаётгани намоён этилди. Мавзуд ҳолатлар бўйича Қарши шаҳар ҳокими ва бир гуруҳ мутасаддилар телетомошабинлардан тушган саволларга жавоб қайтариб, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартафари этиш бўйича ҳисобот берди.

Мазкур телерадиокомпания 6 январь кунини радиоэфирга узатган «Бу ҳақда Президент нутқида айтилган

Юқорида баён қилинган мисол ва таҳлиллари 2017 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида, хусусан, газета ва журналлар, Интернет тармоқларида таҳлилий-танқидий материаллар кескин кўпайганини кўрсатмоқда. Журналистлар ўз журналистик, фуқаролик позициясини янада кенгроқ намоён этишга астойдил киришгани яққол сезилиб турибди. Бу эса келгусида муаммолар ўз вақтида ҳал этилиши, одамларнинг оғирингил бўлишига хизмат қилади, албатта.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Мониторинг гуруҳи

3 МАЙ — ХАЛҚАРО МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ КУНИ

1991 йил 3 майда Намибия пойтахтига тўпланган Африка мамлакатлари мустақил матбуоти вакиллари жаҳондаги барча давлатлар ҳукуматларига оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини ва уларнинг демократик хусусиятини таъминлаш даъвати баён этилган «Виндхук декларацияси»ни қабул қилдилар. Ушбу ҳужжатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мурожаат қилинган ҳолда эркин, плюралистик ва мустақил матбуот ҳар қандай демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми экани таъкидланган эди.

Ушбу декларация Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассасаси — ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1991 йил 6 ноябрдаги 26-сессиясида қўриб чиқилиб, маъқулланди. ЮНЕСКО Бош конференцияси ўзига аъзо давлатлар томонидан билдирилган тақдир асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Халқаро матбуот эркинлиги кунини таъсис этиш тақдими билан мурожаат қилди. БМТнинг Бош Ассамблеяси ушбу тақдирни маъ-

қуллаб, 1993 йил 20 декабрда махсус резолюция билан 3 майни «Халқаро матбуот эркинлиги кунини» деб эълон қилди. 1994 йилдан буён ҳар йили жаҳон ҳамжамияти шу кунини матбуот эркинлигининг туб тамойилларига амал қилиш, оммавий ахборот воситаларини уларнинг мустақиллигига таъжовулардан ҳимоялаш мақсади қўзланган байрам сифатида нишонлайди. Бу ҳозирги таҳликалар даврда жуда ҳам муҳим санадир. Журналистларни ҳимоя қилиш халқаро қўмитасининг маълумотиға кўра, 1992—2017

Тинч-тотув, адолатли ва бағрикенг жамият тарғиботчилари

Йилларда дунёнинг турли бурчакларида ўз касбларини бажарётган 1228 нафар соҳа вакили ҳалок бўлган. Ушбу қўмита 2016 йилнинг ўзида хизмат вафоларини бажарётган 48 нафар журналист ҳалок бўлганини, 259 матбуот ходими эса хибсга олинганини қайд этган.

Ҳар йили Халқаро матбуот эркинлиги кунини қилиб ушбу сана муносабати билан БМТ Бош қотибнинг мурожаати эълон қилинади. БМТ Бош қотибнинг ўтган йили мурожаатида, жумладан, шундай дейилган: «Халқаро матбуот эркинлиги кунини барча ҳукуматлар, сийасатчилар, тадбиркорлар ва фуқаролари оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигига ва эркинлигига тўғрисида ўз зиммаларига мажбурият олишига ва уларни ҳимоя қилиши таъминлашга даъват этмади. Ушбу асосий ҳуқуқсиз одамлар камроқ эркинликларга ва имкониятларга эга булардирлар.

Биз ана шу ҳуқуққа эга бўлган ҳолда ҳамма учун қадр-қиммат ва имкониятлар таъминланадиган дунёни барпо этиш устида биргаликда иш олиб боришимиз мумкин».

Халқаро матбуот эркинлиги кунининг асосий тадбири 1986 йилда ҳалок бўлган колумбиялик журналист Гильермо Кано номидаги ЮНЕСКОнинг эркин матбуот ишига хиссаи учун жаҳон мукофотини топириш маросими ҳисобланади. 1997 йилда таъсис этилган ушбу мукофотта 2010 йилда чилилик Моника Гонсалес, 2011 йилда — эронлик Аҳмад Зайдабодий, 2012 йилда озарбойжонлик Эйналула Фатуллаев, 2013 йилда эфиопиялик Рийот Алему, 2014 йилда туркиялик Аҳмад Шик, 2015 йилда суриялик Мазен Дарвин, 2016 йилда озарбойжонлик Хадича Исмоилова сазовор бўлган.

Мазкур сана ҳар йили муайян мавзуга бағишланади. 2016 йилда у «Ахборотдан ва



асосий эркинликлардан фойдаланиш — бу сизнинг ҳуқуқингиз!» шiori остида ўтган эди. Жорий йилда эса ЮНЕСКО ушбу кунини «Оммавий ахборот воситаларининг тинч-тотув, адолатли ва бағрикенг жамиятини тарғиб этишдаги роли» шiori остида ўтказди. Асосий байрам тадбири бу йил ЮНЕСКО, Индонезия ҳукумати ва Матбуот ишлари

бўйича кенгаш қамқорлигида 1-4 май кунлари Жакартада ўтказилиши қўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда... эркин ва ҳолис оммавий ахборот воситалари

фаол ўрин эгаллайди», деб ишонч билдирган. Дарҳақиқат, давлатимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ролини, уларнинг фаолияти самарасини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг нуфузини кучайтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган сийосат ишчилик билан олиб бориламоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1600 талдан ортиқ оммавий ахборот воситалари фаолият олиб бормоқда. Ушбу газета ва журналлар, телерадиоканалларнинг учдан икки қисми, интернет нашрларининг 95 фоизи нодавлат, мустақил оммавий ахборот воситалари. Оммавий ахборот воситалари соҳасида матбуот эркинлигини таъминлаш, журналистлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ўнга яқин қонун қабул қилинган, давр талаблари асосида кўпқал қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилган.

Эркин ЭРНАЗАРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

“WHITE CASTLE” ХИЙДАСИ

ёхуғ мансук таом ҳақуға чўнчак

► ШАРХ ЎРНИДА

Глобаллашув шароитида давлатлар орасидаги масофа тобора қисқариб бораётир. Инчунин, маданиятлар муштараклиги ҳам кун сайн жадаллашмоқда. Бунга мисоллар жуда кўп. Оддийгина бир ҳақиқат, хоризг таомларининг тез истеъмолга кираётганидир.

Ёлғон бизнес

Тезпишар таомларнинг тарихи Рим империяси даврига бориб тақалса-да, унинг кенг тарқалиши ва саноат миқёсида ишлаб чиқарилиши 1920 йилларда Америкадаги “White Castle” (Оқ қаср) компанияси номи билан боғлиқ. Тез орада бу каби таомлар бутун Америка бўйлаб оммалаша бошлади. Бойси “fast food”лар нархи шу даражада арзон эдики, ҳатто океан ортда кечган тушқунлик пайтида, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши ҳамда 1945 йилга қадар йирик компаниялар бошидан кечирган инқироз даврида ҳам уларнинг нархи атиги 5 центни ташкил этган. Кейинчалик одамлар орасида таомнинг сифати борасида шубҳаларнинг пайдо бўлишига ҳам айна унинг нархи сабаб бўлди. Одамларда “Нега унинг нархи бунчалар арзон?”, деган савол туғилди.

Компания раҳбари Билли Инграм ўз фирмаси ҳақида пайдо бўлган асосли шубҳаларга барҳам бериш мақсадида ажойиб ҳийла ўйлаб топди: унинг кўрсатмасига кўра, шифокор кийимидаги бир неча ёш кунлик чойчақа эвазига емакхонага келиб “gamburger” буюртма беришлари керак эди. Бу эса одамлар наздида “Шифокорларки истеъмол қилаётган экан, демаск, соғлиқ учун хавfli эмас”, деган тасаввур уйғотиши лозим эди. Шундай ҳам бўлди ва “fast food”ларнинг зарари ҳақидаги ҳақиқат “бўхтон”га учради.

Касалини ширсанг...

Ўтган асрнинг 20—30-йилларига келиб, Америка аҳолиси орасида ортиқча семириб кетиш касали билан боғлиқ муаммо кузатила бошлади. Аввалига камҳаракатлилик — кун давомида стол ва компьютер олдида ўтадиган иш жараёни хасталик сабаби сифатида келтирилди. Аммо бугун хасталикка чалинганлар орасида ёшлар сони тобора ортаётгани юқорида келтирилган сабабларнинг Билли Инграм каби “ишбилармонлар” томонидан ўйлаб топилганига шубҳа қолдирмади ва “fast food”лар ҳақидаги бор ҳақиқат ошқор бўлди. Зеро, илмфан тараққиёти оммавий сурширининг кенг тус олишида тез-

пишар таомлар бирламчи омили эканини тасдиқлаб улгурган эди.


Олимларнинг таъкидлашича, тезпишар таомлар асосини юқори қувватли “hot-dog”, “gamburger”лар ташкил қилади. Улар таркибида эса туз, ёғ ва шакар миқдори кўп бўлиб, организм учун керакли витамин ва минераллар жуда кам. Яъни тушлик пайтида тановул қилинадиган “fast food” таркибидаги 1500 кило калория инсон организм учун талаб қилинадиган кунлик нормага тенгдир. Демак, кунда икки ёки уч марта тезпишар таом тановул қилган инсон ихтиёрсиз равишда семириш касалига дучор бўлади.

Саломатлик йўлида

Тан олиш керакки, “fast food”лар юртимизда ҳам кенг оммалашган. Шу боис юқоридagi каби муаммолар бизда учрамайди, дея ҳеч ким қафолат бера олмайди. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда соғлом овқатланишни ташкил этиш давлат сиёсати даражасига кўтаришган.

Юртимиз аҳолисининг аксариятини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, умумтаълим, ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида туғри овқатланишни ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилаётгани кўнонарли. Бунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Қарога мувофиқ, 2017—2020 йилларга мўлжалланган умумтаълим муассасаларида ошхоналарнинг фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳудудий манзилли дастур ишлаб чиқилиб, республикамизнинг узоқ ҳудудларидаги ошхонаси бўлмаган 400 дан ортиқ мактабларда буфет тарзи ошхоналар барпо этиш кўзда



тутилган. Фаолияти тўхтаб қолган ошхоналарда қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб, сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади. Шунингдек, қарорда 2017 йилгача ҳар бир вилоятда, 2018 йилга қадар эса ҳар бир туманда тайёр ва ярим тайёр таом тайёрловчи комбинатлар ишга туширилиши белгиланган.

— Инсонда кузатиладиган хасталикларнинг 80 фоизи туғри овқатланиш қондаларига амал қилинмаслиги сабаб юзага келишини тиб илмининг асосчиси Ибн Сино асослаб берган, — дейди Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси аъзоси, “Халқаро Ўзбекистон пазандчиликлари санъати” маркази раҳбари Анвар Аллаберганов. — Сихат тиласанг, кам егин”, деган ҳикматда ҳам айна шу маъно муқассам. Шу боис бугун юртимизда, хусусан, ёшлар орасида соғлом овқатланишни ташкил этиш ва уларни тезпишар таомлар зараридан ҳимоя қилиш муҳимдир. Бу умумтаълим муассасаларида фаолият юритаётган ошпазлар зиммасига масъулият юклайди. Бойси фарзандларимизга тезпишар таомлар истеъмол қилиш айрим таълими муассасаларида тақлиф этилаётир.

Ҳақиқатан, навниҳоллар улғайиб, қомил инсон бўлиб юзага етиши учун уларнинг нафақат руҳи, балки жисму жони ҳам соғлом бўлиши даркор. Бунда эса улар тановул қилаётган таомларнинг сифати муҳимдир. Шу боис Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги ва бир қатор мутасадди ташкилотлар билан биргаликда республикамиздаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган ошпазлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш режаси ишлаб чиқилган. 2017 йилдан бошлаб ҳудудларда ташкил этиладиган малака ошириш курсларида эса 7—10, 10—17 ёшдаги болаларга мўлжалланган ҳафталик таомномалар тайёрлаш, санитария-гигиена қондалари, туғри ва соғлом овқатланиш асослари, меҳ-

нат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари товаршунослиги, технологик жиҳозлардан фойдаланиш, пазандчилик технологияси асослари, болалар ва парҳез таомлар тайёрлаш технологияси борасида тавсиялар берилди.

— Янги қарорга кўра, марказимиз ходимлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ошхоналарида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши билан келишувларсиз ҳар чоракда назорат ишларини олиб бориш имконига эга, — дейди Тошкент шаҳар Чилонзор тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими мудири Дилдора Миррақбарова. — Бу соҳиларда озиқ-овқат маҳсулотлари, технология жиҳозларининг санитария қондалари, ошхона ходимларининг санитария-гигиена тадбирларининг бажарилишини мониторинг қилиш имконини беради. Камчилик аниқланган тақдирда, Мувофиқлаштирувчи республика кенгаши розилиги билан текширув ўтказишимиз ва камчиликка йўл қўйган масъулга қонун доирасида чора кўришимиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ёшларнинг туғри овқатланишини ташкил этиш масаласига алоҳида аҳамият қаратилаётир ва бу борада олиб борилаётган ислохотлар эътиборга молик.

Тағанинг иккинчи томони...

Айтиш жоизки, юқоридagi қарор таълим муассасаларидаги ошхоналар фаолиятини қайта ташкил этиш, ривожлантиришга қаратилган бўлиб, келгусида “fast food” сингари таомларнинг ўқув муассасалари ҳудудида сотилишини чеклашни назарда тутди. Бироқ бугун таълим муассасалари атрофида айрим “олғирлар” томонидан болалар учун тақлиф этилаётган тезпишар таомларни тартибга солиш масаласи ҳам алоҳида эътибор-

ни талаб этади. Мавжуд қонунчиликка кўра, умумтаълим муассасаларидан 500 метр радиусда жойлашган савдо шохобчаларида тамаки ва спиртли ичимликлар билан савдо қилиш тақиқланган. Фикримизча, мактаб ҳудудига яқин жойларда санитария ва гигиена талабларидан келиб чиққан ҳолда тезпишар, кучли газланган ва таркибида турли зарарли ранглар бўлган маҳсулотлар сотишга ҳам чек қўйиш ёки бутунлай тақиқлаш зарур. Бунда жамоатчиликлари, жумладан, маҳаллалар қошидаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия фаолларини кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, таълим муассасаларидаги ошхоналар малакали ошпазлар томонидан ишлатилишига эришиш керак. Зеро, аксарият ошхоналар бугун тadbиркорлар томонидан юритилаётган бўлиб, улар ошпазлик маҳорати, малакаси ва масъулияти борасида етарли билимга эга эмас. Айрим ихтиёрий равишдаги йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам шунинг ортидан келиб чиқаётир. Шу боис республикамиздаги 116 та таълим даргоҳида ошпазлик йўналиши бўйича мутахассис тайёрлаш тизимини ислох қилиш, уларни ўқув-услубий, илмий адабиётлар ва дарсликлар билан таъминлашни ташкил этиш зарурати туғилди. Зеро, мазкур таълим муассасаларида бугун “Болалар учун парҳез таомларни тайёрлаш” фани мавжуд бўлса-да, республика миқёсида ягона ўқув қўлланмаси яратилмаган. Дарслар эса методик мажмуалар асосида ўтиляётир. Балки шунинг учун ҳам таълим муассасаларидаги ошхоналарда парҳез таомлар тайёрлашнинг аниқ технологияси мавжуд эмас. Бугун аллергик касалликка чалинган ҳамда шифокор томонидан парҳез буюрилган ёшлар айна ана шундай таомларга эҳтиёж сезишяётир. Сирасини айтганда, фарзандларимиз организмнинг кундалик эҳтиёжини тавсия этаётган таомлар калориясининг метёрда бўлишини фақат малакали ошпаз — мутахассислар билишади. Хулоса қилиб айтганда, фарзандлар — келажакимиз давомчилиги, эртамиз эгалари. Шундай экан уларнинг саломатлиги ва тақдирига беварқ бўлмадик. Ҳар бир ёшга ўз фарзандимиз дея қарайлик, уларнинг баркамол бўлиб камол топишида масъул ва жавобгар эканимизни доим ёдда тутайлик.

Улугбек ШОНАЗАРОВ, журналист

► БУ ТУРФА ОЛАМ

ФИРЪВАН ДАВРИДАГИ ҚАБРИСТОН ТОПИЛДИ

Миср археологлари Луксорда шу пайтгача маълум бўлмаган қабристонни топишди. Ушбу топилма Луксор фарбидаги шохлар дафн этилган водий тилмонда бўлиб, у шартли равишда “157-лагерь” деб номланди.



Мазкур қабристон эрамиздан аввалги 1550—1292 йиллардаги фиръавнлар сулоласи даврига тўғри келади. Мамлакат вазирлиги вакили Халид ал-Ананининг сўзларига қараганда, топилган қабр Осархат исмли шаҳар маслаҳатчисига тегишли. “157-лагерь”дан ўнлаб бўялган ёғоч тобултар ва олтига яқин сақланган мурда ҳам топилган. Археологлар тилла ранга бўялган кўпгина ниқоблар, ичи турли икбир-чикирларга тўла кудуқчи ҳам топишган.

Апрель бошларида эса Қоҳирадан 26 километр нарида — Дашхур туманида қадимий, номаълум пирамида қолдиқлари топилган эди. Уни эрамиздан аввалги XVIII—XVII асрларда Фиръвоннинг XIII сулоласи кургани маълум бўлди.

САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАР ЗАРАРЛИ...МИ?



Мунтазам ширин ичимликлар ичиш миянинг кичрайишига ва оқибатда хотиранинг пасайишига сабаб бўларкан. Америкалик олимлар ўтказган тадқиқот бундан ҳам жиддий хасталикларни келтириб чиқариши мумкинлигини исботлади.


Ҳар куни парҳезбон (шакар ўрнини босувчи восита қўшилган) газли ичимликлар истеъмол қилиш инсулът ва ақлий пастилик хавфини уч баробар оширади, дейишмоқда мутахассислар.

Бундай хулосага келиш учун тадқиқотда уч гуруҳ қатнашчилар магнит-резонанс текширувдан ўтказилди. Биринчи гуруҳ тўрт мингта яқин 30 ёшдан катталарни, иккинчи гуруҳ уч минг нафар 45 ёшдан ошганларни, учинчи гуруҳ эса бир ярим минг нафар 60 ёшдан катталарни ўз ичига олди.

— Тадқиқот натижасида ўзида шакар сақловчи ичимликларни кўп истеъмол қилган қатнашчиларнинг мияси атрофияга учраб, кичрайгани ва хотираси сустайгани маълум бўлди, — дейди Бостон университети вакили, невролог Мэттью Пас.

ОТЛАР ҚАЧОН ХОНАКИЛАШТИРИЛГАН?

Дания, Швейцария ва Франция олимлари ёввойи отларнинг хонакилаштирилгани вақти билан қизиқшди.



Тадқиқотчилар ҳозирги Челябинск вилояти ҳудудида бундан 4,1 минг йил аввал яшаган байталлар, Сибирь атрофида 2,7 минг йил аввал яшаган иккита айғир қолдиқларини ўрганиши натижасида отларни хонакилаштириш шу даврлардан бошланганини қайд этишмоқда. Бундан ташқари, Қозоғистон ҳудудида 2,3 минг йил аввал яшаган ва одамлар томонидан ўлдирилган 11 та от қолдиқлари ҳам ўрганиб кўрилди. Олимлар булардан умумий хулоса қилиб, отларни хонакилаштириш тахминан 5,5 минг йил аввал Қозоғистон чўлларида бошланган ва бу Ботай маданияти билан боғлиқ, дейишмоқда.

Интернет материаллари асосида Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

► ИЛМ САРҲАДЛАРИДА

Энергоресурслар истеъмоли кўрсаткичлари тобора ошиб бораётган ҳозирги даврда уларни ишлаб чиқаришнинг арзон ва оддий усулларидан фойдаланиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу борада жаҳон компаниялари, илмий муассасалар турли инновацион ғоялар устида изланиш олиб бормоқда. Ҳозир кўп давлатларда муқобил энергия манбаларидан олинган энергетик ресурслардан йирик саноат корхоналарида, кичик бизнес тузилмаларида фойдаланилмоқда. Бу ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархига ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга, бозорда маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлайди. Айна пайтда, муқобил (қайта тикланадиган) энергия манбаларидан олинадиган ресурслар чекка ҳудудларда энергия ресурсларига қарам бўлмаган инфратузилмаларни яратиш имконини бермоқда.

“ТРОТУАР ПЛИТКАЛАР”

Мутахассислар фикрича, одамлар қаламидан ҳам муҳим энергия манбаи сифатида фойдаланиш мумкин экан. Айна пайтда “Павеген Системс Лтд.” (Pavegen Systems Ltd., Буюк Британия) компанияси ишлаб чиқарган тротуар плиткаларидан кўп мамлакатларда электр энергия ишлаб чиқариш соҳасида фаол фойдаланилмоқда. Бундай плитканинг энергия хусусияти шундан иборатки, унда одамлар қадами таъсирида электр қуввати ҳосил қилинади. Плиткалар остига ўрнатилган қурилма бир одам қадамидан ўртача 7-8 Вт электр энергияси ишлаб

ҲАҚИҚАТГА ДЎНГАН ИБОРА: қағамган ўт чақнаши рост...

Бир қисмини қоплаш имконини беради. Хулоса қилиб айтганда, энергетика соҳасида янги инновацион технологияларнинг фаол таъбиқ этилиши муайян ҳудудда энергетик ресурслар ишлаб чиқарилишида арзон ва қулай шароитларни юзага келтириши билан биргаликда унинг оқилона сарфлаши ҳамда унинг бошқариш билан боғлиқ стратегик вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Мутахассислар фикрича, бошқа муқобил энергия манбалари билан бир қаторда одамларнинг бевосита иштироки орқали энергия ҳосил қилиш имконини берадиган технологияларнинг таъбиқ этилиши муайян натижаларни беради. Хусусан, бундай технологияларнинг жорий қилиниши ҳар бир фуқарода мамлакат энергетика соҳаси тараққиёти учун дахлдорлик ҳисси билан бирга энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиб боради. Бундай технологияларни синнов тарихида одамлар кўп тулланадиган жойларга, жумладан, маданият ва истироҳат боғларига, пиёдалар йўлакчаларига, бекатларга ҳамда йирик савдо марказларида таъбиқ этиш мумкин.



Европа иқлим шароитига чидамли ҳисобланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу плитканинг дунёнинг бошқа минтақалари иқлим шароитларига ҳам мослаштириш мумкин. Ҳар бир плитканинг эни 45, узунлиги эса 60 сантиметр. Айрим маълумотларга кўра, бир дона бундай плитканинг нархи 50 фунт стерлинг (тахминан 60 АҚШ доллари тенг) бўлиб, сунги йилларда унинг пасайиши тенденцияси кузатилмади.

Бугунги кунга келиб, бундай плиткalar турли давлатларда синновдан ўтказилган. Жумладан, 2012 йили Лондонда ўтказилган ёзи Олимпиада пайтида ушбу плиткalar сайёҳлар кўп тулланадиган жойларга ўрнатилган ва

икки ҳафта ичида 20 миллион ж о у л (энергия улчов бирлиги) энергия олишга муваффақ бўлинди. Бу энергия эса ўз вақтида Лондон кўчаларини туғни вақтда бутун Олимпиада даврида ёритишга етди. Шунингдек, Буюк Британия пойтахтида бундай плиткalar вокзал ва мактабларда ҳам ўрнатилмоқда.

“Павеген Системс Лтд.” компанияси бу борада дунёда кўп қатлам йирик компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, Павеген технологиясида “Shell” инглиз-голланд қўшма компанияси ўз дастурларида, хусусан, турли мамлакатларда стадионлар қуришда фойдаланилмоқда. Бунда стадионлардаги реклама лавҳаларини ёритиш учун зарур бўлган электр энергияси ишлаб чиқарилиши кўзда тутилади. Электр энергия ҳосил қилувчи бундай

“ЭНЕРГО ТУРНИКЕТЛАР”

Кўп мамлакатларда электр энергиясини ҳосил қилишда турникетлардан ҳам фойдаланилади. Турникетлар, асосан, метрополитен ва темир йўл станцияларига ўрнатилмоқда. Мутахассислар фикрича, турникетлар ўрнатилган ер тағида унинг ҳаракатта келиши (босилиши, тебраниши) натижасида электр қуввати ҳосил қиладиган тегишли қурилмалар жойлаштирилади. Бугун бундай турникетлар Япония, Хитой ва Голландия давлатларида ўрнатилган.

Хитой ва Голландияда Япониядан фарқи тарзда “энерготурникетлар” технологиясининг бошқача шакли қўлланилмоқда. Хусусан, Японияда, асосан, одам қадами таъсирида электр қуввати ҳосил қилиш кўпроқ қўлланилаётган бўлса, Хитой ва Голландияда бундай турникетлар турли савдо марказлари эшиги ўрнатилмоқда ва ташриф буюрувчилар ичкарига кириш учун турникетларни суриб очишлари талаб этилади. “Boon Edam” голланд компанияси ҳозир ушбу турникетларни мамлакатдаги кўп қатлам йирик савдо марказларига ўрнатишни тавсия қилмоқда.



Мутахассислар фикрича, бундай генератор-эшикларнинг ҳар бири йилига 4600 киловатт соатга яқин электр энергияси ишлаб чиқариши мумкин. Бир қарашда катта бўлмаган ушбу кўрсаткич бундай турникетлар сони кўпайиши билан ортиб бориш тенденциясига эга. Айна пайтда бу кўрсаткич йирик савдо марказлари истеъмол қилаётган электр энергиянинг

Аброр ЮСУПОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалардо тадқиқотлар институтини бош илмий ходими

ЁДНОМА

Насиба Мақсудова... Ўзбек суҳандонлари мактабининг қалдрогчларидан бири. Ёқимли овоз соҳибаси, истеъдодли тележурналист, тиниб-тинчимас самимий инсон... Уни эслаган сари янги-янги фазилатлари, умр манзилларида тўқнаш келган онлар хотиротлари кўз олдимда бир-бир тизилаверади...

Юлдузлар сўнмайди ёки „Дийдор ширин...“

Насибохонни эллик йилдан бери биламан. 1956 йили асос солинган ўзбек телевидениеси мамлакатимиз медиа муҳитида ўз ўрнини топиб, катта кичикни сеҳрлаб, илм-фаннинг бундай тараққиёти намунасида ҳайратларга чўлғаб келаётган пайтлар эди ўшанда. Теленжолкорларни тайёрлашда ҳам энди тажрибалар тўпланаётган вақт эди. Хусусан, тележурналист бўлиб етишиш учун айтиш телевидениенинг ўзида амалий билим-қўникма ҳосил қилинарди. Бир сўз билан айтганда, бу ерда ишлаш биз ёш журналистлар учун маҳорат мактаби, шараф ва ифтихор эди.



Эшитиришлар тайёрловчи „Тошкент халқаро радиоси“ни бошқардим, кейинроқ, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси этиб сайландим. Бу пайтга келиб Насиба Мақсудова ҳам қирқ йилдан ортиқ самарали фаолият олиб борган Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясидан ёш бўйича нафақага чиқди, кучайрат, шижоатга тўлиқ қалби уни уйда ўтиришга қўймади. Мустақиллик шарофати билан ташкил топган Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясига қарашли нодавлат телевидениелар тармоғидан тушган тақлифни қабул қилиб, улар билан ҳамкорликда ишлаётганди.

Алолат юзасидан қайди этиш керакки, гарчи, Насибохон миллий телерадиокомпанияда ишлаб юрган вақтларида ҳам кўрсатувлар тайёрлаган бўлса-да, („Ўзбекистон“ телеканалининг „Ассалом, Ўзбекистон“ кўрсатувлари) у, асосан, суҳандон сифатида фаолият олиб борган, муаллифлар тайёрлаган матнларини текшириш орқали танилган эди. Тележурналист сифатида эса айтиш НТТ каналда Насибохоннинг қашф эди. Менинг кузатишимча, у каналда турли мавзулардаги кўрсатувлар, ток-шоуларни тайёрлади, уларнинг аксарияти томошабинлар томонидан илқ кутиб олинди. Бироқ, булар уни қониқтирмади, кўнгли тўлмади, изланишда давом этди ва ниҳоят бутунлай янги форматдаги ток-шоу – „Дийдор ширин“да тўхтади.

„Дийдор ширин“ чиндан ҳам янги гоёлар асосида ишлаб чиқилган, содда услубда бўлса-да, моҳиятатан теран, ҳалқимизнинг азалий қадриятларига таянган кўрсатув эди. У дастлабки сонлариданоқ томошабинлар эътиборини тортди ва оммалашди. Кишида самимий ва илқ туйғулар уйғотадиган дастурнинг ҳар бир сонини муҳлислар соғиниб кутардилар.

Яратганнинг иродаси экан. Бугун Насибохон орамизда йўқ. Бу сўзни айтиш осон эмас, унга кўникиш ҳам қийин, наздимизда, у гўё „Дийдор ширин“нинг ташвиши билан югуриб юргандек, шоғирди Анвар билан кейинги кўрсатув ҳақида фикр алмашаётгандек... Гўё „Менинг юртим“ телеканалда унинг кулгилари, қадам товушлари, руҳи қолгандек туюлади. Аслида ҳам шундай: бу ерларда у яратган мактаб, тажриба ва „Дийдор ширин“ эсдалик бўлиб қолди.

Шерзод ҒУЛОМОВ, Ўзбекистон Электрон ОАВ миллий ассоциацияси бошқаруви раиси ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ЭЛА ХИЛАМ УЗГА

ЯНА ТҲЙЛАР ҲАҚИДА

Узоқ йиллик қадрдон опам бор. Касби ўқитувчи, умри мактабда ўтган. Ўтган йили нафақага чиқди. Бир куни ҳол-аҳвол сўрай, деб кўнғироқ қилсам, меҳнат фаолияти давомида пенсия дафтарида жамғарилиб қолган пулларини олиб, ўглининг тўйига атаб битта букача сотиб олганини айтди. Шу орқали шугулланиш учун машғулоти борлиги ҳақида хурсанд бўлиб гапирди. Опанинг кўтаринки кайфиятидан мен ҳам суюндим.

Кеш куллари молга қараш опа учун оғирлик қила бошлади. Совақда унга ем тайёрлаб, сув тутиш осон эмасди. Онда аъзолари келишиб, ҳўқизини сотмоқчи бўлишибди.

Опани кўрган борганимда, ҳўқизининг тақдирини билан қизиқдим. У хотиржам оҳангда:

– Ҳўқизини сотиб, пулига тўйнинг аройини олиб қўйдик, – деди.

Опанинг касалдан толиққан юз-кўзларига қараб қотиб қолдим. Аини дамода унга алоҳида парвариш, дори-дармон, калорияли озиқ-овқат кераклигини, бироқ моддий аҳволи бирмунча танглигини билиб турардим. Бехиёр ўрнимдан туриб кетишга чоғландим. Уй эгалари ҳайрон бўлиб мени ўтиришга ундар, мен эса тезроқ бу ерни тарк этгим келарди...

Иул-йўлақай ўзимга ўзим гапириб борапман... Қайёққа қараб кетяпмиз? Зиёдиларимиз шу йўлни тутсалар, бошқалардан нима кутиш мумкин? Рўздордан иқтисод қилиб, пешона теридан тома-тома йиғилган пулини 3-4 соатда ўтадиган тўйнинг аройига совируш шартми? Умуман, тўйда ароқ ичилиши қанчаллик муҳим? Кайфи тарақ одамларнинг келин-куёв учун билдирадиган тилаклари ижобат бўлармикан!

Меҳмондўст, орзу-ҳавасли халқимиз. Бир-биримизга „Бошингиз тўйдан чиқмасин“, „Топагингиз тўйданга буюрсин“, дея тилаклар билдираемиз. Бироқ бу ўзбекининг тўйдан бошқа ташвиши йўқ, дегани эмас-ку.

Эзу тўйдан билан ўғил-қиз ўстирамиз, оппоқ орзулар билан келин туширамиз ёки қиз узатамиз. Афсус, баъзан даблбабати тўй таассуротлари совимасдан туриб, арзимас сабаблар билан икки томонга совуқчилик тушади. Ҳамма ҳайрон... Ажралиш сабабларини ўзимизча таҳлил қилган бўламиз.



Ўшам қотми. Ҳўқизининг тўйига неча йиллик ароқ олсам экан-а...

бундан ёмони йўқ. Ҳўрача бир миллион сўм маош оладиган рўзгорли киши бунча маблағни бир неча йилда ҳам жамғара олмаслиги барчага кундек аён-ку. Бу масаланинг бошқа томони.

Ўғил-қизимиз бахтини сўраб ёзидиган дастурхонимизга кетадиган сарф-харажатнинг бир қисмини зиёфат қўришида эмас, балки ўша маблағни муҳтож оилаларга, меҳрибонлик ва қаришлар уйларига, ободонлаштириш ишларига, ёшларга ва илм-маърифат тарқатиш йўллари сарф қилинса, нур устига нур бўлмайди.

Ота-она тўй учун жамғарган маблағининг ярмини, масалан 10 миллион сўмини маҳалла фаолияти билан маблағлаштириб, қишлоқдаги ёки маҳалласидаги кам-харжроқ оилаларга: биттасига қорамол, яна биттасига 2-3 та қўй-қўзи олиб бериш, эвазига ёшларни дуо қилишни сўраса, қандай бўларкин? Ёки маҳаллада даволанишга муҳтож, аммо иқтисоди тангроқ инсонга 5-6 миллион сўм ёрдам кўрсатса, бе-морнинг дуоиси ижобат бўлишига қадрилик бор-ку! Шартнома пулини тўлашга қийнаётган қўли калтароқ ота-онани фарзандларнинг бир йиллик шартнома пулини тўлаб бериш-ку, бутун бир оила умрбод миннатдор бўлиб, унинг етти пушти ҳаққига дуода бўлади.

Ўшам гап ўзбекининг ноўрин андишасидир! Ҳа, билиб туриб олган қолмай деб, боримизни қўққа совирамиз. Бу даблбаблардан менга, фарзандларимга нима фойда, демасдан, эл нима дейди, деган андиша билан ўзимизни ўт билан чўққа урамиз. Эл ким ўзи? Эл – бу мен, сиз ва у эмасми? Салима ХОЛДОРОВА

МИЛЛАТ ДАРДУ

„HURRIYAT“ ГУРУНГИ

– Адабиётга қарашларимиз ўзгарди. Ижодкор кўнчилиқ учун ёзиши керакми ёки хос одамлар учунми, деган савол устида деярли баҳслашмай қўйдик. Ҳаётимизга илм-фан, техника тараққиёти ўз таъсирини ўтказиб бериши билан ҳам ҳаққини санъат асарларига бўлган эҳтишимиз ортиб бормоқда. Келинг, суҳбатимизни адабиётнинг ижтимоий роли, инсонпарварлиги ва барҳаётлиги ҳақида бошласан...

– Адабиётнинг ижтимоий роли, инсонни маънавий-ахлоқий томондан тарбия қила олиш кудрати исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Адабиёт йўлдан алашган одамга тўғри манзилни кўрсатадиган компас, зимистонда қолганида йўлни ёритувчи машъал, қўйғасиди қўсурларни акс эттирувчи ойналар. Бу мўъжаз санъат турининг инсонни тарбиялашдаги ўрни, таъсири ҳақида кўп гапириш мумкин. Бироқ чўзмай, бутун „адабиётга қарашларимиз ўзгаргани, ижодкор кўнчилиқ учун ёзиши керакми ёки хос одамлар учунми, деган савол устида баҳслашмай қўйганимиз“ ва бунинг оқибати ҳақида тўхтамоқ керак. Бу борада баҳслашимиз, чуқурроқ ўйлаб кўришимиз керак-ку ўхшайди. Негаки...

Ўзим адабиётнинг бир шайдоси, қолаверса, адабиётшунос сифатида баъдий адабиёт халқ учун яратилиши керак, деган қатъий фикрдаман. Чунки у сўз санъати, сўз эса кимгадир мурожаат қилиш, дарду ҳасратини, қувонч ташвишини ўртоқлаштиш воситасидир. Ижодкор сўзи миллат дарди, ташвиши, қувончини ифода қилади. Донишманд ёзувчи Асқад Мухтор „Биз, ёзувчилар – инсон қалбиди ёмонлик илдилларини кўпуриб ташлаш учун курашамиз“, деган эди. Эътибор беринг, адиб „интиламиз, ҳаракат қиламиз“ демай, „курашамиз“ деярди. Аинан шу ибора замирида ижодкорнинг халқ, миллати олдиди маъсуляти, бурчи мўжассамлашган. Курашиш қуроли эса ёзувчи учун сўзидир. Шундай экан, уни ҳамма ўқиси, тушуниши, қабул қилиши ва ҳис этиши учун ёзиш шарт. Бўёқ, тош, цемент каби ашёлар воситасида яратилган тасвирий санъат, ҳайкалтарошлиқ каби турлари маълум бир табаққа мўлжаллаб яратилиши мумкин. Уларни санокли одамлар, шу санъат сирларини тушунадиган, ҳис қиладиганларга „ўқийди“, томоша қилади. Бироқ адабиётда бундай эмас...

Шуларни ўйлар эканман, айрим ижодкорларнинг „Мен ўзим учун ёзаман. Бошқалар керак бўлса, тушуниб олсин“ деган гапларини кўрүк олифтароқчилик, ўзининг даражаси, савиясини наспўлаш ниятида айтилган илдоа деб биларман ва уларга „Агар ўзини учунгина ёзидиган бўлсан, марҳамат, ёзанларингни сандиққа солиб қўй-да, керак бўлганда ўзини ўқиб мана қилавер! Матбуот-да бериб, китоб чиқариб, ўқувчиларини вақтини олиб нима қилсан?“ дегим келарди.

– Ўтган асрнинг етмиш йили давомида совет адабиёти деб атаган даврда яшаган адиблар ижодини таҳлил этадиган деб, кўнлаб яхши асарлар яратилганга амин бўламиз. Буни Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳорлар ижоди мисолида кўриш мумкин. Аммо ҳалигача совет шоирлиги ёзувчиси деган қарашлар борлиги абадлашқадек туюлади. Шу ўринда, адабиётни тушуниш, қабул қилиш ва қандай муносабатда бўлиш масаласига тўхталиб ўтсангиз.

– Шўро даври адабиётига нисбатан салбий муносабат билдириш, бу давр ижодкорларининг инкор этиши, асарларидан атайлаб қўсур ишлаш ва уларни адабиётимиз даргоҳидан қувиб чиқаришга ҳаракат айнақса, ўтган асрнинг 80-йилларида авж олди. Унутмаслик лозимки, ҳар қандай ижодкор ўзи нафас олаётган замон фарзанди ҳисобланади, унинг ютуқ ё камчиликлари тарозига солади ва ўз муносабатини билдиради. Бироқ қаттол Шўро тузуми махсус қарорлари билан ижодкор муносабатининг чегарасини қатъий белгилаб қўйган, „Сенга бахтли ҳаётини мен олиб келдим, ўтмишинг қоронғи, тарихинг зулм ва қулликдан иборат. Чидасанг – шу, бўлмасан...“ деб қизил чизиқ тортиб қўйган эди. Бу чизиқни босиб ўтиш ўлимни бўйинга олиш эди. Фитрат, Қодирий, Чўлпон сингари исёнкор ижод аҳлининг қатл қилинганлиги ўз қўзи билан кўрган бу авлод тилини тийишга, қаламини қизил ранга бўйишга мажбур бўлди.

Бироқ халқи билан ҳамдард бўлган ҳақиқий ижодкор ҳар қандай шароитда ҳам йўлини топиб, кўнгли тўйиб асл муносабатини билдира олади. Масалан, Ғафур Ғулом замонни маҳд этишга мажбур бўлган „Етар май, рубойи ва анекдот“ (1933 йил) шеърининг матноси маъносига сингидирб

юборганига гувоҳ бўламиз. Шоир унда „Real фикр ишча оғзидай бўлиқ“ бўлган замонда яшаётганини, шу сабабдан айтмоқчи бўлганини ҳақиқат „Шу маст гаррада чувалмоқдадир“, натижада Сизга кўнглимдаги чин гапни айтиб беролмай:

Сўйлаб бери болайман ҳар хил анекдот, Ёгонлар маржонинг илга тизмаган, – деб ёзган эди. Ёки „Бахт тўғрисида“ ёзар экан, Ҳамид Олимжон ҳам бахт ва шодлик ўз-ўзидан келмаслигини, „Жаннатларни яратиб“ қўйган бу меҳнаткаш „Эл қул бўлса, бўлса яланғоч“ ва оч яшаса, „Ҳеч бир замонда бахт топилмас“лигини билмаслигини тасвир этмасди деб уйлаларман. Ахир, бу шоирларнинг замона зўрлигидан шикоятчи эмасми?! Ғуломнинг „Менинг ўғригина болам“, „Афанди ўлмайдиган бўлди“, „Мулла Насриддин афанди ва Шайтон алайҳ улаъна“, „Энг расво намози аср“ сингари ҳикоялари, Ҳ.Олимжоннинг „Муқанна“ драматини сиңчиқлаб мунтола қилсақ (бу асарда ижодкор айтмоқчи бўлган гоъвий ниятларни адабиётшунос Д.Қурунов етарли исботлаб берган), муаллифларнинг бундай исёнқорона фикрлари яратган қаҳрамонларини нутқи, рамзий тисмолар орқали илгари суртилганга ишонч ҳосил қиламиз. Бу каби мисолларни бошқа ижодкорлардан ҳам келтириш мумкин.

Кези келганда, шу саволга дахлдор яна бир мулоҳазамни айтмасам, армонда қоламан. Мустақиллигимиз шарофати билан кўп ижод ва санъат аҳли қадр-қиммат топди. Айниқса, жадид боболаримиз Фитрат, Қодирий, Чўлпон кабиларнинг хизматлари қадрланиб, ижодига қайта-қайта мурожаат қилиш, асарларини кетма-кет нашр этиш муҳлисларни жуда мамнун қилаётди. Бироқ, улар орасида Ҳамза Ҳакимзода ҳам замондошлари билан ҳамфикр, ҳамқалам бўлгани, у ҳам асарларига Шўро сиёсатининг қабиҳ томонларини рамзий образлар орқали фож этгани, „Ўзбекистон халқ ёзувчиси“ унвонига эга бўла туриб, уй-ёқуви, қашшоқ яшагани, афсус-армонда ўтгани асарлари ҳамда мактубларидан аён-ку! Ҳам ижодда, ҳам амалий фаолиятида Туркистон озолидиги, мустақиллиги учун курашган бу миллатпарвар жадид боболаримиз адабиётимиздаги ўрнини беш-олтита „инқилобий“ мавзудаги (аслида улар ҳам эрк, озодлик, илм олишга қаҳриқор руҳида яратилган) шеърлари билан ўлчаш адолатли эмас.

ТИЛ ИЛМИ ФИДОЙИСИ

«УСТОЗЛАР ЁДИ

Номзодлик диссертациянинг ҳимояси белгиланган кун. Соат иккиларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг директори қабулхонасига кириб борсам, мен билан бир йиғилишда диссертация ёқлайдиган устоз Абубакр Ражабий юрагини чангаллаб, терлаб-пишиб кўз ёши тўкиб:

— Мен энди ўлиб қоламан, бунга бардош беролмайман, — деб ўтириб-дидлар.

— Нима бўлди, устоз, тинчликми? Ўзингни кўлга олини! — дедим.

— Сиз айтаверасиз-да, мен бундай ҳолатга чидай олмайман, кворум (илмий кенгаш аъзолари етарли эмас) йўқ эмиш, ҳимоя бўлмас экан, — дедилар йиғлам-тира.

Ҳайрон бўлдим ва донг қотган ҳолда директор ҳузурига кирдим.

— Ҳа, шундай, — деди бошқик авзойимни кўриб. Кенгашнинг аксарият аъзолари сафарда экан. Фақат бир умид Ганижон Абдурахмоновдан. У киши Фаргона пединститутига ректор. Мана бу телефон рақамлари, бориб сим қўқинг, этиб келсалар, ҳимояни ўтказамиз, — деди.

Гузарга бориб Фаргонага сим қўқинг. Телефон гўшани устознинг ўзлари олдилар. Аҳволни тушунтирдим.

— Хўп бўлади. Соат 12 дан 15 дақиқа ўтганда Тошкентга самолёт учди, ўшанда этиб бораман, — дедилар.

Институтга қайтиб келиб, Ражабий домлани тинчитиб, диванда ўтирдик. Соат роса бирдан йиғирма дақиқа ўтганда Ганижон ака кириб келдилар. Ражабий у кишини кучоқлаб, бўйинларига осилиб, «кедмасангиз, ўлиб қолардим» деб уввос-солиб йиғлайдилар. Натихада ҳимоямиз ўша кун муваффақиятга ўтди.

Бу киши биронинг, ходимларнинг, шоғирдлару элдининг ташвишини деб юрадиган давлат ва жамоат арбоби, юртимизда наҳв илми бўйича илмий мактаб яратган, фанимизнинг, олий

таълимимизнинг жонфидо даргаларидан бири академик, фан арбоби Ганижон Абдурахмонов эдилар. Фаргона педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетини имтиёзли диплом билан тугатган, дастлаб шу даргоҳда муаллимлик қилди; Алишер Навоий номидаги Самарқанд университетига номзодлик ишини якунлади; узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг тил тарихи бўлимини бошқарди.

Филология фанлари доктори, профессор Ганижон Абдурахмонов умр бўйи (1925 — 2016) ўқиб, ўрганиб, биланларини шоғирдларига юқтириб-ўтказиб юрди; ўзбек тили тарихининг синтактик хусусиятларини узлуксиз тадқиқ этди; ўрта ва олий мактаблар учун дарсликлар битди. Олим Фаргона давлат педагогика институтини, Тошкент давлат чет тиллар институтларининг ректори, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги каби муҳим вазифаларни бажарган йилларда ҳам бир сонияга бўлса-да илмий ижоддан фориғ бўлмадилар. Натихада 1950 йили «Ҳозирги замон ўзбек тилида субстантивация» мавзусида номзодлик қилди, 1960 йилда эса «Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гап синтаксисининг асослари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилдилар; профессорлик унвонига эришдилар; Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайландилар. Узлуксиз изланишлар, мунтазам ижодий меҳнат ҳосиласи ўлароқ, турли йилларда олимнинг 165 номда-

га жами 380 босма табоқ ҳажмдаги илмий ишлари ўзбек ва рус тилларида нашр этилди.

«Девони луғотит турк» ўзбек ва рус тилларида нашр этилди: асарнинг туркий тиллар тарихини ўрганишда биринчи «Индекс луғати» тузилди. Умуман Ф.Абдурахмоновнинг қадимги туркий тиллар, хусусан, XI аср туркий ёлгорликларнинг тил хусусиятларини ўрганишдаги хизматлари бекиёсдир. Ҳатто олим «Урхун-Энасой» ёзув ёлгорликларини тилининг синтактик хусусиятлари хусусида махсус илмий тадқиқот ёзганлар.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида Ф.Абдурахмонов камина хизмат қилади-кан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (университет)га ректор қилиб тайинландилар. 1983 йили «Ўзбек адабиёти» кафедраси мудирлигига матбуотда танлов эълон қилинди. Икки касбдошимиз танловда қатнашиш учун ариза беришдики. Бир кун ректоримиз ҳузурларига чақириб:

— Нега кафедра мудирлигига танловга қатнашиш хусусида ариза бермадингиз? — деб сўраб қолдилар.

— Муҳолифлар кучли, менинг танловдан ўтишимга кўзим етмайди, — дедим.

— Бекорни айтибсиз, сизнинг илмий ишингиз кўп, ўтасиз, ариза беринг, — деб гапни чўрт кесдилар.

Ҳақиқатда ҳам университет илмий кенгаши аъзолари менинг номзодим учун овоз беришди. Натихада 28 йил «Ўзбек адабиёти» кафедрасини бошқардим. Доим меҳрибон устоз кўрсатмаларига амал қилишга ҳаракат этидим. Ана шундай: Ф.Абдурахмонов иқтидорли ходимларни эълозлайдиган, қайси муассасага раҳбар бўлса ўша даргоҳнинг ободлигини, келажакни ўйлаб ишлайдиган жонфидо арбоб-эди. Чунончи, беш йиллик фаолияти давомида устоз пединститутнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга эришди. Ҳақиқатда ҳам пединститут ҳамда жиҳатдан мамлакат олий ўқув юртлири орасида пешқадим бўлди, талабалар учун институт ҳовлисида 2 та, Муқимий кўчаларида 3 та 9 қаватли ётоқхо-

на, профессор-ўқитувчилар учун турар жой биносини қурдиришга муваффақ бўлди. Ҳозир бу манзилларда яшаётган талабаю муаллимлар устознинг номини дуои хайр билан эслаб юришади.

«Шоғирдсиз устоз — мевасиз даракт» деган нақл бор халқимизда. Устоз Ф.Абдурахмонов туркий тил тарихини ўрганиш бўйича мактаб яратибгина қолмай, ана шу йўналишнинг ворисларини тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор берди. У кишининг бевосита раҳнамоллигида 30 дан зиёд ёшлар «Ўзбек тили тарихи», «Ҳозирги ўзбек тили», «Қиёсий грамматика» йўналишлари бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишган. Айни кунда илмий муассаса ҳамда олий ўқув юртлирида фаолият кўрсатиб, пешволари аънасонини муваффақият билан давом эттиришмоқда.

Академик Ф.Абдурахмоновнинг билмас эди. Устоз умрларининг охиригача бир зумга ҳам ижодий изланишлардан тўхтамаганлар. Охириги йилларида Тошкент давлат шарқшунослик институтининг профессори вазифинида ишлаган олим шоғирлардан тўхтамаганлар. Охириги йилларида Тошкент давлат шарқшунослик институтининг профессори вазифинида ишлаган олим шоғирлардан тўхтамаганлар. Охириги йилларида Тошкент давлат шарқшунослик институтининг профессори вазифинида ишлаган олим шоғирлардан тўхтамаганлар. Охириги йилларида Тошкент давлат шарқшунослик институтининг профессори вазифинида ишлаган олим шоғирлардан тўхтамаганлар.

Устознинг ўзбек тилининг тарихи, унинг ривожланиши жараёнлари, унинг муҳим тадқиқотлари ўзининг илмий моҳиятини ҳамон сақлаб келмоқда. Муаллим эл назарада юрган донишманд эди. У киши «Шуқрат» медални, кўплаб фахрий ёрлиқлар соҳиби эди.

Ганижон Абдурахмонов яратган тадқиқотлар, ёзган китоблар, нашр эттирган манбалар соҳа ходимларига ҳамон асқотмоқда. Демак, домланинг хотиралари ҳаммаша боқийдир.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

ТАДҚИҚОТ

Анчадан буюн «ГУЛАГ маҳбуслари шеърляти» китобини излар эдим. Сабаби, бу асарда ўзбек шоирларидан бирор киши бормикан, деган илнж мени тинч қўймас эди. Гўё назаримда Чўлпон ёки бошқа ўзбек шоирлари ҳақида бир нарса бордек туюлаверарди...

ҚИЗ ҚУШИҒИ

Яқинда Чўлпон ижодига қизиқиб юрғувчи ва қатон масаласида талайгина салмоқдор асарлари билан мутахассислару эл орасида ўз ўрни ва овозига эга бўлган олим, тарих фанлари доктори Рустам Шамсуддиновнинг «Ўзбекистонда советларнинг қатон сиёсати ва унинг оқибатлари» китобини муталаа қилиб туриб Абдулҳамид Сулаймон ўли Чўлпон ижодига оид бир хабарга кўзим тушди. Не қўз билан кўрайки, хабар ўша мен қилиб юрган китоб — «ГУЛАГ маҳбуслари шеърляти»дан олинган экан. Чўлпон ҳақидаги кўчирмага кўзим тушди-ю, қувониб кетдим. Туйғум алдамаган экан. Машҳур виждонли рус шоираси Татьяна Бекбук шоиримизнинг «Қиз қушиғи» ва «Қуз ҳадиги» шеърларини таржима қилган экан. Китобда Чўлпон ҳақидаги маълумот ўзига хос тарзда битилгани билан эътиборни тортиди. Шу боис шoir ҳақидаги ўша парчанни «Хуррият»-хонларга илтимон келди.

«ГУЛАГ маҳбуслари шеърляти» китобида шундай маълумот берилди: «Абдулҳамид Чўлпон 1897 — 1938. Абдулҳамид Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон ўли Юнусов) шоирлиқдан бобакр маърифати савдогар оилада туғилган. Рус-тузем мактабини битиргандан сўнг отаси ўлини мадрасада ўқишга юборди, бу жойда бўлажак шоир араб, форс ва турк тилларини ўрганган. Инқилобий гоълар таъсири остида буюк миллий шоир бўлиш учун мадрасалардан Тошкентга борди. Ва шундай бўлди ҳам.

У ҳаёт чоғидаги унинг ҳақида буюк Навоийдан кейин ўзбек тили ва адабиёти шу қадар кўларли лирикани билмаган, деб айтишган. «Унинг шеърли нутқи — ҳозирги замон ўзбек тилининг сарчашмасига йўл очиб берувчи қалитдир. Ҳозир-

ги замон ўзбек тили бу — Чўлпон тилидир» деб айтган ўша замон танқидчиларидан бири. Чўлпон инқилобни завқшавқ билан кутиб олади ва ҳатто уни кўпасрик анъанавий мумтоз шеърлят шаклларида озод этиб, ўзбек тилига олиб кириди. 1918 йилда Э.Потеннинг «Байналмилал»ини ўзбек тилига таржима қилади, «Турк РОСТА»нинг бош муҳаррири бўлиб ишлади.

1927 йилдан бошлаб унинг шеърлярини босиб тўхтади. Партия мансабдорлари бу шеърлят ўқувчилар учун зарар деб ҳисоблайдилар. 10 йил ичида Чехов, Тургенев ҳикояларини, Гоголь пьесаларини, Пушкиннинг «Борис Годунов», Шекспирнинг «Ҳамлет», К.Гоцци, К.Гальдонни, Мольер пьесаларини ўзбек тилига таржима қилди. 1937 йилда қатон қўлингандан. Ушбу матндан кейин куйидаги шеърлярини таржимаси берилган. Бинобарин, бу Чўлпон шеърлятининг сарҳад билмаслигига шохдликдир.

Анджидон, 1923 йил

Қушнинг ҳадиги

Қуш бечора кўрқадирким, уясидан айиргайлар.
Уясидан айирмоқ-ла қанотини қайиргайлар.
Майда симдан силлиқ қилиб, моҳирона тўқилган бир
Қафас топиб, дарчасини очиб дерлар: «Масканга кир!»
Мускин қуш ҳам янги маскан чаккасига қўйиб олар,
Масканга кўз югуртар, теграсига назар солар.
Ва кўрарким, маскан ўзи машинада қўйилмишдир.
Уни ҳозир қилмоқ учун, кўп везният сарф бўлмишдир.
Дарчалари маҳкамгина, пухтагина, хотиржамлик,
Сув ичгали, дон етали тешиклар бор кичик-кичик.
Симлар билан иши йўқдир, чикмоқ учун учиб кўрар,
Урмонларнинг ҳаёлида қар томонга ўзни урар.
Фақат, заиф вужудини қанча урсун деворларга,
Балки унинг ошмоқ тани, тўлиб кетсун ол қонларга.
Деворларнинг севгиси йўқ, тўйғуси йўқ, товуси бермас
Тегра бутун рудзиз гавад, «Нечун муноқ бўлдинг?» демас.
Унинг бутун тасалласи — тўлиб-тошиб сайрамоқдир.
Кўм-кўк дала, эслаб-эслаб йиғламоқдир, йиғламоқдир!..
Уш, 1924 йил

Тайёрловчи: Сирожддин АҲМАД

ҚУВОНЧИННИНГ КЎЗГУСИ

Айтмоқчиманки, ижод аҳлини тафтиш қилишдан олдин унинг асарларини синчиклаб ўрганиш, матносоти фикрларини ўқиш ва ўқиш, замон сиёсатини, талабларини инобатта олиш фойдалидир.

— Мустақиллик адабиётимизнинг ўсишига, ижодий эркинликка улкан имконият яратди. Яхши асарлардан китобхон ва адабиётшуносларимиз бехабар қолмаслиги учун оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам тарғиб этилмоқда. Давлатимиз томонидан юксак эътибор кўрсатилаётган бир пайтда бозор адабиёти маънавиятимизнинг янги босқичга кўтарилишига тўғонақ бўлаётганидан ташвишга тушсан, киши. Қисқа фурсатда бўлса-да, 80-, 90-йилларнинг кучли авлодлари билан бизнинг ўртамизда мисли кўрилмаган даражада узилиш бордек. Айтиши-чи, мустақиллик даври адабиёти чин маънода санъат даражасига кўтарилиши учун нима қилиш керак?

— Қарийб чорак кам бир аср давом этган Шўро мустақилликчилик сиёсатининг адабиёт ва санъатни мафкуравийлаштириш, ижод эркинлигини чеклаш борасида олиб борган амалий ишлари адабиётга нечоғлик зарар келтирган бўлса, мустақиллик шу қадар кенг ижодий имкониятлар яратиб бердики, бундан фақат хурсанд бўлишимиз, ижод аҳлига яратилган қулайликлардан самарали фойдаланишимиз, шу билан бирга, уларни суъи-истеъмол қилмаслигимиз лозим. Афсуски, ижодий эркинликдан шахсий обрў ва бойлик орттириш учун фойдаланадиган бутун бир гуруҳ эзармонлар этишиб чиқди. Улар ўзларининг олди-қоңди, енгил-елли воқеалар асосига қурилган бозорбop «асар»лари билан пештахталарни тўлдиряптилар. Ажабмас, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойишидан кейин бундай савияси паст, нархи баянд китобларни босиб чиқариш камаяс!

Ушбу фармойиш чиндан ҳам ўз вақтида қабул қилинди. Чунки ёш авлод китобдан узоқлашиб, техника воситаларига ёпишиб ҳам вақтини, ҳам соғлигини бой бераётган, энг яхши дўстнинг билан сўхбатлашдек завқ берадиган муталаадан маҳрум бўла бошлаган эди. Матбуот, радио-телевидение, таълим муассасалари, кутубхоналар узлук-

сиз уюштираётган тарғиботлар самара берапти. Мен ҳафтанинг ҳар шанбасини вилот кутубхонасида ўтказишга одатланганман. Ишонасизми-йўқми, соат 10 дан кеч қолсам, шундай катта залда жой қолмайди! Бундан хурсанд бўламан. Лекин улар нимани ўқияпти? Биронтасининг қўлида янги китоб, журнал ёки газетани кўрмайман. Ваҳоланки, уларнинг аксарияти ўрта махсус ва олий ўқув юртлирининг талабалари. Наҳотки, ўқитувчилар уларга мустақил муталаа қилиш учун юксак савияли бадий, илмий асарларни вазифа қилиб бермаганлар? Эндиги вазифа китобхонлик маданиятини юксак даражага кўтариш, адабиётимизнинг энг яхши намуналарини тарғиб қилиш, ёш авлод кўнглида муҳаббат уйғотишдан иборатдир.

— Айрим танқидчилар яхши асарлар қилиб, таниш-билишчилик ё бошқа сабаб тўғрисида, ўртамизда асарларни улуғлаш билан овора бўлаётганга ўхшаймишми? Бугунги танқидчиликимиз ҳақида фикрингиз қандай?

— Адабий танқид адабиётнинг бутун бўй-бастини, суратио сипратидига гўзаллик ҳамда нуқсонларни борича кўрсатишга маъсул фандир. Унинг фазилатларидан бири холисликдир. Шу сабабли мунаққид муносабат билдираётган ёзувчи ижодига ким бўлишидан қатъи назар, ноҳилоқ ёндашиш, уни меъёрдан ортқик мактаб юборишдан сақланиши шарт. Чунки бу иллатлар, шубҳасиз, ўша ёзувчининг обрўсини оширишга эмас, балки янаям пастга шунгизига хизмат қилади. Бунинг учун адабий танқидчи хушёр ва ҳозиржавоб бўлиши, зиммасидаги вазифасини тўла ва ҳалол бажариши лозим. Буюк авар адиби Расул Ҳамзатов айтганидек, танқидчи ҳеч қачон «шамолнинг йўналишини кўрсатиб турадиган пирпирак»ка ўшмаслиги керак.

Бир пайтлар ижод аҳли қўлига қалам олишдан олдин М.Қўшонов, О.Шарафидинов, И.Султонов, С.Мамажонов, Н.Худойбергандов каби мунаққидларни кўз олдига келтирар, бўш-баёв асарларни эълон этишидан истиҳола қиларди. Ҳозир эса бирор ёзувчи адабий танқид билан ҳисоблашмайди. Танқид қилангидан бўлсангиз, дарҳол бирон-та «ака»сини топади-да, сизга қарши мақола уюштиради. Уч-тўрт йил аввал «XXI аср насри манзаралари», «Йил хирмони, ҳосил сифати», «Миллийлик ва бадийлик талаблари» каби мақолалар ёзиб, бир неча суяқ

асарларни танқид қилдим. Дарҳол менга қарши ҳужум бошланди. Бир адабиётшунос ноҳилоқликда айбласа, бошқаси мен танқид қилган «ёзғувчи»лардан бирининг асарини кўкка кўтариб мактади. Аҳвол шу тарзда давом этверса, биз мунаққидлар бир-биримизни қўллаб-қувватлаш ўрнига оёғимизга болта уриб турсак, мустақиллик даври адабиётининг ҳақиқий санъат даражасига кўтарилишига маъсулликимиз қаёқда қолди, деб ташвишга тушаман.

Шуқрки, ҳозир сафимизда хушёр мунаққидлар йўқ эмас, бироқ уларнинг сўзи тош босмаяпти. Тўғриси, танқидий фикрни ҳеч қайси ёзувчи қабул қилмай қўйди, сува отилган тошдек самарасиз қолиб кетаяпти. Қанийди, ёшлар орасидан жасоратли, адабиётнинг соғлигини ҳимоя қила оладиган қатъиятли мунаққидлар тезроқ этишиб чиқса!

— Айрим адабиётшунослар ўзимизда кўзга суртиб ўқийдиган асарларимиз тўғрисида, Кафка ёки Жойсик макташ-у, уларнинг фазилатларини ўрганишга даъват этишдан нарига ўтмайотандек. Тўғри, чет эл ёзувчиларининг ижодидан хабардор бўлганимиз яхши. Лекин бугунги ижодий жараён, адабий танқидчилик аҳволи, таржимаччиликдаги муаммолар, аввало, соҳа мутахассисларининг даражасида туршии керакмасми?

— Аслида яратилаётган бадий асарларимизни жаҳон адабиётининг энг яхши намуналари билан қиёслаб ўрганиш жулда фойдали ва зарур машғулот. Фақат мана шу таққослаш жараёнида адибнинг ўзига хослигини, афзал томонларини, миллийлигини илмий жиҳатдан исботлаб беришимиз лозим. Биз эса янгича асар пайло бўлдимиз, тўғри келса-келмаса, Фарб адабиётга хос «хусусият»ларни елимлаб ёпиштиришга ружу қўямиз. Натихада асар ҳам, муаллиф ҳам ё тақдирда, ё кўчирмачига айланиб қолади. Ижодкорнинг жаҳон адабиёти намуналарини ўқиб-ўрганиши шубҳасиз, бадий тафаккурининг янгилашишга ёрдам беради. Фақат ўрганиш тақдирчиликка олиб келмаса бас. Ҳозир шакли ёки баён қилиш усулида сал бошқачароқ асар яратилса, модери деб айюҳаннос солиш олат тусига кирди. Ахир ўз даври учун шаклан ва мазмундан янги ҳисобланган ҳар бир асар модерику (бу сўзининг маъносидан келиб чиқсак)! Шунинг учун «модерн»ни рўқач қилиб, ўқувчи тушунмайдиган асарлар ёзиш ва уларни шарҳдек ишириб мақшадан ёзувчилар ҳам, тан-

қидчилар ҳам истиҳола қилсалар, яхши бўларди. Ҳа деганда, Фарб адабиётга ёпишиб олавермай, ўзимизда яратилган асарлар бадийлигини Шарқ адабиётининг шифобахш илдизларидан изласак, бизнинг адабиётимиз узлардан кўра бойроқ ва гўзалроқ эканлигига амин бўламиз. Ҳа Сиз тилга олган жаҳон адибларининг асарини ўқисангиз, ҳаво етишмаётандек туюлади, тушуниб олунингизча чарчаблар кетасиз.

Таржимонлик соҳасида бизда буюк мактаб яратилган. Жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиде таржимаччилик йўналишининг ташкил этилгани бу соҳанинг янада ривожланишига катта имконият ва асос яратмоқда. Ёш таржимонлар М.Исмоилий, Қ.Мирмуҳамедов, Н.Комиллов, И.Гафуров сингари устозларнинг таърибасини ижодий ўзлаштириб, янада маъсулликни ҳис қилсалар, бу боралаги ютуқларимиз билан мақтансак ярашади. Эндиги-вазифа ўзбек адабиётини жаҳон аренасига олиб чиқиш, буюк адабиётимиз борлигини кўрсатишдан иборатдир.

— Кейинги йилларда яратилган қайси асарларни алоҳида таъкидлаб ўтиши мумкин?

— Э, бормисиз! Адабиётимизнинг ҳозирги қундаги савияси, бадийлиги юзасидан ҳадеб нолийвермасдан, унинг ютуқларини кўз-қўзлашга арзийдиган энг яхши асарлар ҳақида ҳам гаплашайлик. Тагин муҳтарам газетхонлар бу одам нуқул адабиётдаги камчиликларни кўрар экан, деб ранжимасинлар. Чиндан ҳам ҳозирги пайтда адабиётимизда гурур билан тилга олсак арзийдиган талай асарлар бор ва улар жаҳон адабиёти намуналари билан бемалол беллаша олиншини алоҳида таъкидлагим келди. Бу жиҳатдан Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқўл, А.Йўлдош, И.Султонов, У.Ҳамдам, А.Дилмурод, К.Норқобил, Ш.Исахонова, З.Қуролбой қизи, Н.Жалолиддин каби кўплаб адиблар номини қониқиб билан тилга олиш мумкин. Чунки жанридан, катта-кичиклигиндан қатъи назар, уларнинг ҳар бир асари умминсоний муаммоларни миллий руҳда юксак бадийлик билан тасвирлаши, баён усулларининг соддалиги, қаҳрамонларнинг ибратли қиёфаси, муаллиф илгари сураёт-

ган гоъвий ниятларининг поклипти билан ҳам чин маънода янги намуналар деб биламан.

— Фарзандларимизни она тилида фикрлашга, тоза гапириш ва нуқтини бойитишга хизмат қилаётган асарларга меҳрини ўқитиш учун нима қилиш керак деб ўйлайсиз?

— Бу оғриқли ва ечимини кутиб турган муаммолардан бири. Таълим борасида амалга оширилган ва оширилаётган ишлохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда айтишим керакки, ҳозирги таълим тизимида қўлланялаётган тест усули ўқувчиларни ёппасига эркин фикрлаш қобилиятиндан маҳрум қилияпти. Тест саволлари эҳтимол, табиий, аниқ, педагогика, психология соҳаларига оид фанларга тўғри келар. Бироқ ижтимоий-гуманитар, хусусан, адабиёт фанини чуқур ўрганишга мос эмас, деб ҳисоблайман. Негаки, тест саволлари фақат рақамларни, ёзувчи, қаҳрамон ёки бадий асарнинг номини, ёзилган йили ёхуд жанрини аниқлашни талаб қилади, холос. Ваҳоланки, бадий асарни таҳлил қилиш, шеърни тушуниш, ҳис қилиш, фикрлаш, ифодали ўқиш — бу энди чинакам адабиёт муҳибининг қобилиятини кўрсатувчи фазилатлардир. Мен бу ҳақдаги тақдир ва мулоҳазаларимни «Хуррият» газетасида босилган «Адабиёт — бош мураббий» сарлавҳали мақолада (2015 йил 16.09), «Тафаккур» журналида эълон қилнган сўхбатимда (2016 йил 1-сон) ҳам айтганман. Бироқ ҳозирча бирор ўзгариш сезаётганим йўқ.

Хуллас, адабиёт аслида, инсоннинг инсонга айтган эзгу сўзи, руҳини кўтарадиган чин дўсти, ақлини бойитадиган донишманд устоз, рам-андуҳларига малҳам қўя оладиган табибдир. Зеро, шоир Сулаймон Раҳмон «Адабиёт нима?» деган саволга жавобан ёзган шеърининг хулосасида айтганидек:

У буюк ошқидир, ишқдан дарс бера,
Енимас ботир у, бошлайди жангга.
Устоздир, ҳақ ичра етаклаб қирар,
У ватан нелигин ўргатар сенга!

Устоз билан қундалик мулоқот эса кишини юксакликка кўтарди, бойитди холос. Шунинг учун ундан ҳеч қачон узоқлашмайлик...

Адиба УМИРОВА гурунглашди.



Адиба УМИРОВА гурунглашди.

